

# СОЛИҚ ва ХАБАРЛАРИ БОЖЖОНА

1994 йил январдан чиқа бошлаган, ҳафтада бир марта чоп этилади

№ 39 (1363) • 2020 йил 29 сентябрь

ISSN 2010-524X

## УШБУ СОҒДА

БҲМСларда нималар ўзгариши мумкин?

2-бет

Хорижий ходимнинг резидентлиги қачондан белгиланади?

3-бет

Салбий ҚҚСни қайтаришга доир

4-бет

ТОВАРЛАРНИНГ ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СОТИЛИШИ ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ

Бу масалани экспертими тушунтиради

11-12-бетлар

Ўз автомашинам – корхона хизматида

13-бет

ТИФ ТН коддини белгилашдаги жиҳатлар


14-15-бетлар

ИФТИХОР

## ТИЛ – ДАВЛАТ РАМЗИ, МИЛЛАТ РУҲИ

2020 йил 23 сентябрь куни Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 75-сессиясида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев биринчи марта ўзбек тилида нутқ сўзлади ва бу ўзбек халқи учун катта ғурурдир. Президентимизнинг ўзбек тилидаги нутқи нафақат мамлакатимизда яшовчи, балки дунёнинг турли бурчакларида истиқомат қилаётган ўзбеклар учун ҳам совға бўлди, десак муболаға бўлмайди.

Давлатимиз раҳбари БМТнинг юксак минбаридан туриб она тилимизда бир қатор муҳим ташаббусларни илгари сурганда яна бир бор фахр-ифтихор туйғусини туйдим. Бинобарин, Президентимизнинг энг нуфузли халқаро анжуманда ўзбек тилида маъруза қилиши она тилимизга давлат тили мақоми берилган



нинг 31 йиллигига муносиб тухфа бўлди.

Биз она тилимиз орқали халқлар, миллат ва элатлар орасида ҳамшиша азизу муқаррам эканлигимизни асло унутмаслигимиз керак. Ўзбекона луғф, муомала, миллий кадрлар, одоб-ахлоқ эса она тилимиз маданиятининг қалитидир. Буюк ёзувчи, она тилимиз

нинг матонатли жонқуярларидан бўлган Абдулла Қаҳҳор «Бизнинг жуда бой, чиройли тилимиз бор, бу тилда ифодаб бўлмайдиган фикр-туйғу, ҳолат йўқ» дея таъкидлаган эди.

Навий тилини ривожлантиришга қаратилаётган эътибор унинг дунёда роли ва обрўсини кучайтиришга ёрдам

16-бетда

## СОЛИҚ ИСЛОХОТЛАРИ

### ТАДБИРКОРГА ҚҚСдан ОРТИҚЧА ТЎЛАНГАН 220 МЛН СЎМ ҚАЙТАРИЛДИ

Сўнгги йилларда мамлакатимизда солиқ тўловчиларнинг маълум тоифаларига нисбатан солиқ маъмуриятчилигини манзилли тартибда юритиш самарали эканлиги ўз исботини топмоқда.

Янги таҳрирдаги Солиқ кодексига асосан солиқ органларининг ортиқча тўланган ёки ортиқча ундирилган солиқларни ўз вақтида қайтариш учун жавобгарлиги кучайтирилди.

Хоразм вилояти солиқ бошқармасида янги ташкил этилган Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги бўлими ортиқча тўланган солиқ суммасини ўз вақтида қайтариш, ортиқча ундирилган солиқ суммасини ҳисобга олиш ва уни қайтариш билан шуғулланади.

Агар солиқ даври охирида ҚҚС бўйича бюджетга тўлаш учун ҳисобга олинган солиқ суммаси ҳисобланган солиқ суммасидан кўп бўлса, унда ҚҚСни қоплаш (қайтариш) билан боғлиқ вазият юзага келиши мумкин. Бошқача қилиб айтганда, солиқ тўловчи ортиқча тўлаган ёки ундан ортиқча ундириб олинган қўшилган қиймат солиғи маблағларини қайтариб олиш ҳуқуқига эга. Солиқ тўловчилар ҚҚС суммасини қоплаш (қайтариш) бўйича ариза юборади. Ҳар бир ариза бел-

гиланган муддатда, тегишли орган томонидан кўриб чиқилади.

– Ҳозирги кунда вилоят бўйича жами 5 193 нафар қўшилган қиймат солиғи тўловчиси тўлиқ вилоят Давлат солиқ бошқармаси ҳисобига кўчириб ўтказилди, – дейди Хоразм вилояти ДСБ Қўшилган қиймат солиғи маъмуриятчилиги бўлими бошлиғи Санжар Худойберганов. – Жорий йил 1 июнь ҳолатига вилоят ДСБ томонидан 396 та ариза кўриб чиқилди. Умумий қиймати 10 млрд 768,3 млн сўмга тенг бўлган 94 та ариза Молия бошқармасига юборилди. Аризаларнинг 67 таси асосланмаганлиги ва хато-камчиликлари мавжудлиги сабабли корхоналарга қайтарилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, ҳисоботида номувофиқликлар аниқланган тадбиркорлик субъектлари ҳатоларини тuzатиб, ҚҚС суммасини қайтариш учун қайта мурожаат қилиш ҳуқуқига эга.

Жорий йилнинг 1 сентябрь ҳолатига Хоразм вилояти бўйича жами

3 948 та хўжалик юритувчи субъектнинг қўшилган қиймат солиғи бўйича ортиқча тўловлари мавжуд бўлиб, ушбу корхоналарни яшил, сарик ва қизил йўлакчаларга ажратган ҳолда улардан келаётган аризаларга асосан белгиланган муддатларда тегишли тартибда ҳисобрақамларига қайтариш ёки бошқа солиқ турларини қоплаш ишларини амалга оширишда вилоят давлат солиқ бошқармаси томонидан хизмат кўрсатилиши йўлга қўйилган.

– Қўшилган қиймат солиғининг тўлақонли занжирини шакллантириш ва унинг шаффофлигини таъминлаш орқали барча хўжалик юритувчи субъектларга ҚҚС бўйича «манфий» қолдиқни қайтариш ҳуқуқи берилгани биз каби тадбиркорлар учун яна бир имконият бўлди, – дейди «Хоразм Ипати» МЧД маркетинг бўлими бошлиғи Сардор Саидмамудов. – Солиқ бош-

қармаси ходимларининг ҳуқуқий ва амалий ёрдами билан «ҚҚС ўрнини қоплаш» интерактив хизмати орқали юборган аризамизни ўз вақтида кўриб чиқиб, белгиланган тартибда 220 млн сўм ҚҚСни ҳисобрақамимизга қайтариб беришди. Бундай қўшилган қиймат солиғининг манфий суммасини тадбиркорлик субъектларига қайтарилиши айланма маблағларнинг ошишига ва ишлаб чиқаришга ижобий таъсир кўрсатади.

Шунингдек, тизим ходимлари томонидан тадбиркорлик субъектларига ташриф буюрган ҳолда уларнинг муаммолари ўрганилиб, бартараф этишга кўмак берилмоқда. Фаолият кўрсатмаётган корхоналар муаммоларини ўрганиш, сабабларини аниқлаш ва улар фаолиятини тиклаш чоралари кўрилмоқда.

ЎЗА материали асосида.




## «АСОСИЙ ВОСИТАЛАР» ЯНГИ ТАҲРИРДА БАЁН ЭТИЛАДИ

Молия вазирлиги Бухгалтерия ҳисобининг миллий стандарти «Асосий воситалар» лойиҳасини ишлаб чиқди. Ҳужжат ҚХТБТ порталида 7.10.2020 йилга қадар муҳокама учун жойлаштирилган.

Лойиҳа «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга, шунингдек Президентнинг «Молиявий ҳисоботнинг халқаро стандартларига ўтиш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарорига (24.02.2020 йилдаги ПҚ-4611-сон) мувофиқ ишлаб чиқилган.

Хусусан, янги таҳрирда амортизация ҳисоблашнинг янги тартибига ўтиш назарда тутилмоқда. Агар амалдаги тартибга биноан асосий воситалар бўйича амортизация ажратмаларини ҳисоблаш мазкур объект асосий воситалар тартибига қабул қилинган ойдан кейинги ойнинг дастлабки санасидан бошланса, лойиҳа бўйича – ҳисоблаш асосий воситалар балансга қабул қилинган кундан эътиборан бошланади.

Ҳужжат амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар сонини қисқартиришга қаратилган. Унга асо-



сий воситаларни қайта баҳолаш бўйича алоҳида нормалар, шунингдек амалдаги Асосий воситалар қийматини балансдан чиқариш тартиби тўғрисида низом (АВ рақами 1401, 29.08.2004 й.) нормалари киритилган.

## 7-СОН БҲМС ЛОЙИҲАСИДА 3 ТА ҲУЖЖАТ БИРЛАШТИРИЛГАН

Молия вазирлиги томонидан 7-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Номоддий активлар»нинг янги таҳрирдаги лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Стандарт лойиҳаси «Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида»ги Қонунга мувофиқ амалдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни бирхиллаштириш ва сонини қисқартириш мақсадида тайёрланган.

– Янги БҲМС «Номоддий активлар» ўзида 3 та ҳужжатни бирлаштирди:

• 7-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стандарти «Номоддий активлар» (янги таҳрири) (рўйхат рақами 1485, 27.06.2005 й.);

• 11-сон Бухгалтерия ҳисоби миллий стан-

дарт «Илмий тадқиқот ва тажриба-конструкторлик ишлаб чиқишларга харажатлар» (рўйхат рақами 581, 28.12.1998 й.);

• молия вазирининг «Номоддий активларни балансдан чиқариш тартиби тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги буйруғи (рўйхат рақами 1539, 14.01.2006 й.).

БҲМСнинг мақсади мулк, ҳўжалик юритиш ёки тезкор бошқарув ҳуқуқлари асосида бюджет, банклар ва бошқа кредит ташкилотларидан ташқари ҳўжалик юритувчи субъектларга тегишли бўлган номоддий активларнинг бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботда акс эттириш усулбиятини белгилаш ҳисобланади.

Куйидагилар номоддий активлар ҳисобининг асосий қоидалари ҳисобланади:

- тан олиш пайтини белгилаш;
- баланс қийматини баҳолаш;
- фойдали хизмат муддатини баҳолаш;
- амортизация ҳисоблаш усулларини белгилаш;
- баланс қийматидаги бошқа ўзгаришларни баҳолаш ва ҳисобга олиш ҳамда уларнинг чиқиб кетишидан молиявий натижаларни аниқлаш;
- улар бўйича ахборотларни молиявий ҳисоботда очиб бериш тартиби.

Лойиҳалар ўзгартирилиши, уларга қўшимчалар киритилиши ёки рад этилиши мумкин.

Лола АБДУАЗИМОВА.


2021–2030 йилларда Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишининг миллий стратегия концепцияси лойиҳаси Молия вазирлиги томонидан ишлаб чиқилган ва муҳокама учун эълон қилинган.

## АҲОЛИНИ ИЖТИМОЙ ҲИМОЯ ҚИЛИШНИНГ МИЛЛИЙ СТРАТЕГИЯСИ ИШЛАБ ЧИҚИЛМОҚДА

Лойиҳа етакчи халқаро ташкилотлар: ХМТ, БМТТД, ЮНИСЕФ, Жаҳон банки, ОТБ ва ЕИ билан ҳамкорликда ишлаб чиқилган.

Стратегияни амалга ошириш учун Кенгаш ташкил этилади, куйидагилар унинг асосий вазибалари жумласига қиради:

• давлат томонидан кўрсатиладиган ижтимоий ёрдам ва хизматлар тизимини баҳолаш ва мониторинг қилиш учун инструментларни аниқлаш бўйича чора-тадбирларни ишлаб чиқиш, статистик маълумотларнинг сифатини яхшилаш ва очиқлигини таъминлаш;



• ижтимоий нафақаларнинг миқдорларини белгилашдаги мезонларни қайта кўриб чиқиш, халқаро стандартларга асосланган ва миллий менталитет, аҳоли турмуш тарзидан келиб чиққан ҳолда, ижтимоий ҳимоя минимал даражасини аниқлаш;

• кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам ва болалари бўлган оилаларга нафақаларнинг структураси сифатини ошириш, даромади паст аҳоли қатламини аниқлаш мезонларини кўриб чиқиб очиқ ва адолатли тизимни яратиш;

• ижтимоий хизматлар кўрсатиш механизмларини интеграция қилиш учун «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими функцияларини янада кенгайтириш;

• камбағалликни қисқартириш ва инсон капиталини ривожлантириш дастурларини, шунингдек аҳоли бандлигига кўмаклашиш ва меҳнат бозорини активлаш бўйича дастурларни ўзаро мувофиқлаштириш;

• болалар, ёлғиз кексалар, пенсионерлар ва ногиронларга ижтимоий ёрдамни етказиш тартиби ва тизимини қайта кўриб чиқиш ва мукамаллаштириш.

Ҳужжат лойиҳаси билан:

• 2021–2030 йилларда Аҳолининг ижтимоий ҳимоя қилинишининг миллий стратегия концепцияси;

• Концепцияни амалга ошириш бўйича «Йўл харитаси»ни тасдиқлаш назарда тутилган.



### УШБУ СОНДА:

#### • ИФТИХОР

– Тил – давлат рамзи, миллат руҳи

1-16-бетлар

#### • СОЛИҚ ИСЛОҲОТЛАРИ

– Тадбиркорга ҚҚСдан ортиқча тўланган 220 млн сўм қайтарилди

1-бет

#### • НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖЖАТЛАР БИЛАН ТАНИШИНГ

– «Асосий воситалар» янги таҳрирда баён этилади

– 7-сон БҲМС лойиҳасида 3 та ҳужжат бирлаштирилган

– Аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишнинг миллий стратегияси ишлаб чиқилмоқда

2-бет

#### • ИЛК МАНБАДАН

– Муддатидан олдин солиқ резиденти бўлиш мумкинми?

3-бет

#### • СОЛИҚ СОЛИШ

– Реализация қилишга қадар ҚҚСни қайтариш

– Ҳисоб-китобда АВ чиқиб кетишини акс эттириш

– Комитентга товар беришганда ЭҲФ

– Квартира УҚга улш сифатида

– Уфга улш ҳада қилинишини расмийлаштириш

4-бет

#### • СОЛИҚЛАР ВА ЙИҒИМЛАР

– Солиқ тўловчининг тақвими

5-6-бетлар

#### • ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармони

– «Ўзбекистон Республикасида идентификация

ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Президентининг қарори

– «Табий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари:

– «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ҳузурида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича қафолат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»;

– «Якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредити ажратилишнинг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш тўғрисида»;

– «Озиқ-овқат саноати соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида»

7-10-бетлар

#### • БУХГАЛТЕРГА ТАВСИЯЛАР

– Товарларнинг воситачилик шартномаси бўйича сотилиши қандай ҳисобга олинади

11-12-бетлар

#### • ХОДИМЛАР БИЛАН ҲИСОБЛАШИШ

– Шахсий автомобилдан хизмат максалларида фойдаланиш харажат эри қандай қопланади

13-бет

#### • БОЖХОНА

– Божхона дастлабки қарорни чиқарганда

– Жисмоний шахс томонидан олиб кириш меъёрлари

– «Вақтинча»даги авто – ишончнома бўйича

– Тадбиркорга мадал бўлиб...

14-16-бетлар

#### • ЁНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

– Куз келди – кўзингни оч

16-бет

Таҳририят аноним хатларга муносабат билдирмасликка ҳақли, лекин қонун ҳужжатларида белги-лангандан ташқари ҳолларда респондентнинг хоҳишига кўра у ҳақдаги ахборотни учинчи шахсларга бермаслиги мумкин.

«СБХ» газетасида эълон қилинган материалларни тўлиқ ёки қисман кўчириб босиш, электрон ва бошқа манбаларда кўпайтириш, тарқатишга фақат «NORMA davry nashrlari» МҲЖ билан тузилган шартнома асосида йўл қўйилади.

## МУДДАТИДАН ОЛДИН СОЛИҚ РЕЗИДЕНТИ БЎЛИШ МУМКИНМИ?

Амалиётда бухгалтерларда чет эллик ходимларнинг даромадларига нисбатан ЖШДС ставкасини қўллаш билан боғлиқ саволлар ва қийинчиликлар юзага келади.

Экспертлар, аудиторлар ва солиқ маслаҳатчилари ушбу саволлар юзасидан турли хил фикрга эгалар.

[buxgalter.uz](http://buxgalter.uz) портали Давлат солиқ қўмитасига муурожаат қилиб, шундай саволларга қўмита мутахассисларидан тушунтиришлар олди.

**?** *Чет эллик ходимларнинг резидентлик мақомини белгилаш учун қуиларни қайси санадан бошлаб ҳисоблаш зарур: Ўзбекистон ҳудудига, масалан, шахсий мақсадни кўзлаб ҳақиқатда келган санаданми ёки Ўзбекистон резиденти бўлган ташкилот (ёки ДМ, ваколатхона) чет эллик ходим билан меҳнат шартномасини (контрактини) тузган санаданми?*

Солиқ кодексининг 30-моддасига мувофиқ, тегишли мақоми ўзига нисбатан белгиланган солиқ даври бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кетма-кет ўн икки ойлик давр давомида жами бир юз саксон уч календарь кундан кўпроқ ЎзРда ҳақиқатда бўлган жисмоний шахслар ЎзР солиқ резидентлари деб эътироф этилади (СК 30-м. 2-қ.).

Бунда жисмоний шахснинг ЎзРда ҳақиқатан бўлиб туриши даври унинг қисқа муддатли (олти ойдан кам) даволаши ёки ўқиш учун ЎзР ҳудудидан ташқарига чиққан даврида узилмайди (СК 30-м. 6-қ.).

Чет давлат фуқароси ёки фуқаролиги бўлмаган шахснинг қуйидаги давлар мобайнида бўлган вақти унинг ЎзРда ҳақиқатда бўлган вақтига тааллуқли ҳисобланмайди:

1) дипломатик ёки консуллик мақомига эга шахс сифатида бўлган даври;

2) ЎзР иштирокчиси бўлган, халқаро шартнома бўйича тузилган халқаро ташкилотнинг ходими сифатида бўлган даври;

3) тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланмаган тақдирда, 1 ва 2-бандларда кўрсатилган шахслар оиласининг аъзоси сифатида бўлган даври (СК 30-м. 7-қ.).

Ўзбекистон ҳудудига ҳақиқатда бўлиб турганликни тасдиқлаш учун ЎзРга кириш (ЎзРдан чиқиш) кунини чет давлатларнинг давлат чегараларини кесиб ўтганлик тўғрисидаги белги асосида аниқланади. Бундай белги Ўзбекистон Республикасининг ва (ёки) чет давлатнинг чегара назоратини амалга оширувчи ваколатли органи томонидан шахсни тасдиқловчи ҳужжатларга ва (ёки) мамлакатимизга кириш (мамлакатимиздан чиқиш) ҳужжатларига кўйилади. Шунингдек шахснинг Ўзбекистонда ҳақиқатда бўлиб турганлиги давлат органлари ва ташкилотлар томонидан қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тақдим этилган, солиқ органида мавжуд бўлган маълумотлар асосида ҳам аниқланиши мумкин (СК 30-м. 9-қ.).

Агар юқорида баён этилган қоидалар жисмоний шахснинг ЎзР ҳудудига ҳақиқатан ҳам бўлиб

турганлик вақтини аниқ белгилаш имконини бермаса, жисмоний шахс солиқ органига ўзининг календарь йил (йиллар) давомида ҳақиқатда бўлиб турган жойини тасдиқловчи ҳужжатларни (уларнинг кўчирма нусхаларини), шунингдек ўзининг ҳақиқатда бўлиб турган жойини аниқлаш учун асос бўлиб хизмат қилиши мумкин бўлган ҳар қандай бошқа ҳужжатларни (ёки уларнинг кўчирма нусхаларини) тақдим этади:

- 1) шахсни тасдиқловчи ҳужжат;
- 2) белгиланган тартибда расмийлаштирилган ЎзРда вақтинча яшаш учун рухсатнома;
- 3) ҳақиқатда бўлиб турган жойини тасдиқловчи ҳужжатлар (СК 30-м. 10-қ.).

Шу тариқа, амалдаги солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларида жисмоний шахснинг Ўзбекистон ҳудудига ҳақиқатда бўлиши билан боғлиқ солиқ резидентлигини белгилашнинг аниқ мезонлари берилган, сабаби жисмоний шахс унда солиқ мажбуриятлари юзага келишидан анча аввал резидентга айланиши мумкин.

**?** *Чет эллик ходим 2019 йил октябрда меҳнат визаси бўйича Ўзбекистонга келган, Ўзбекистон ҳудудига бўлган 183 кунини 2020 йил 25 мартга тўғри келади. Корхона қайси ойдан бошлаб 12%лик ставкани қўллаган ҳолда ЖШДСни қайта ҳисоб-китоб қилиши керак – 2020 йил 1 январдан, 2020 йил 1 мартдан, 2020 йил 25 мартдан ёки 2020 йил 1 апрелдан бошлабми?*

**?** *Ушбу вазиятда ДСҚ 2019 йилги даромадлари тўғрисида декларация тақдим этган чет эллик ходимга 2019 йил учун ЖШДСни қайта ҳисоб-китоб қила оладими?*

– Солиқ кодекси 391-моддаси 6-қисмига мувофиқ, солиқ даврида ЎзР резиденти мақомини олган солиқ тўловчи ушбу даврда норезидент мақомида тўлаган солиқ суммасини қайта ҳисоб-китоб қилишга ва қайтариб олишга ҳақли. Солиқ суммасини қайтариш солиқ тўловчи СКнинг 397-моддасида белгиланган тартибда жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни тақдим этган тақдирда яшаш жойи (турган жойи) бўйича ҳисобга қўйилган солиқ органи томонидан амалга оширилади. Ушбу декларацияга мазкур солиқ даврида ЎзР резиденти мақомини тасдиқлайдиган ҳужжатлар илова қилиниши керак.

СКнинг 397-моддасида белгиланганидек, солиқ тўловчилар СКнинг 393-моддасида кўрсатилган даромадлар бўйича жами йиллик даромад тўғрисидаги декларацияни, агар ушбу моддада бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, доимий яшаш жойидаги солиқ органига ҳисобот йилдан кейинги йилнинг 1 апрелидан кечиктирмай тақдим этади.

Юқорида баён этилганларни эътиборга олган ҳолда:

• жорий йилнинг 1 апрелигача ЎзР резиденти мақомини олган чет эллик жисмоний шахс ўтган солиқ даври (2019 йил) учун жами йиллик даромади тўғрисида декларация топширади ва бу ҳолда солиқ ставкаси 20 фоизни ташкил этади, сабаби жисмоний шахс 2019 йилда ҳали солиқ резиденти ҳисобланмаган;



• 2020 йилнинг 1 январидан бошлаб солиқ агенти жисмоний шахслардан олинандиган даромад солигини қайта ҳисоб-китоб қилишга ҳақли эмас, тегишинча, агар жисмоний шахс 2020 йилнинг 1 апрелидан кейин резидент мақомига эга бўлса, солиқни қайтариш жисмоний шахс жами йиллик даромади тўғрисидаги декларацияни яшаш жойи (турган жойи) бўйича тақдим этганда солиқ органи томонидан амалга оширилади ва солиқ ставкаси 12 фоизни ташкил этади.

**?** *Чет эллик ходим узоқ муддатли меҳнат контрактини тузган пайтдан бошлаб солиқ органларига тақдим этган аризасига биноан Ўзбекистон резиденти деб эътироф этилиши мумкинми (СК 30-м. 5-қ.)?*

**?** *Чет эллик ходим билан тузилган меҳнат шартномаси (контракти) узоқ муддатли деб ҳисобланиши учун қанча муддатга тузилган бўлиши керак: 183 кундан ортиқ муддатгами ёки 12 ойдан ортиқ муддатгами?*


**?** *Норезидент чет эллик ходим билан узоқ муддатли меҳнат шартномаси (контракти) тузилган санадан бошлаб унинг даромадларига нисбатан ЖШДСнинг 12%лик ставкасини қўллаш мумкинми?*

– Солиқ кодексининг 30-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, агар жисмоний шахс ушбу модданинг иккинчи қисмида кўрсатилган 12 ойлик муддат тугагунга қадар солиқ органларига узоқ муддатли меҳнат шартномасини ёки ушбу модданинг 2-4-қисмларида назарда тутилган шартлар бажарилишини тасдиқловчи бошқа ҳужжатни тақдим этса, ўзининг аризасига биноан ЎзР солиқ резиденти деб эътироф этилиши мумкин.

Юқорида баён этилганлардан келиб чиқилса: солиқ агенти чет эллик ходим-резидент билан узоқ муддатли меҳнат шартномасини (контрактини) тузган санадан бошлаб фақат ЎзР солиқ органи тасдиқлаган тақдирда (солиқ резидентлигини муддатидан аввал эътироф этиш) унинг даромадларига нисбатан ЖШДСнинг 12%лик ставкасини қўллаши мумкин.

Бунда чет эллик ходим бундай меҳнат шартномаси бўйича бажарадиган меҳнат мажбуриятлари ва бундай ходимнинг ЎзРда тахминий бўлиш вақти тегишли мақоми ўзига нисбатан белгиланган солиқ даври бошланадиган ёки тугайдиган ҳар қандай кетма-кет ўн икки ойлик давр давомида жами 183 календарь кундан кўпроқ бўлган тақдирда солиқ органи тасдиқлайди.

Бинобарин, 183 кундан ортиқ ёки 12 ойдан ортиқ муддатга контракт тузилиши жисмоний шахснинг резидент деб эътироф этилишининг асосий мезони ҳисобланмайди.



## РЕАЛИЗАЦИЯ ҚИЛИШГА ҚАДАР ҚҚСНИ ҚАЙТАРИШ

**?** Корхонанинг фаолият тури – қишлоқ хўжалиги. Компания тикланиши жараёнида бўлганлиги сабабли ҳозирча реализация амалга оширилмапти. Харид қилинган товарлар, хизматлар, АВ бўйича салбий ҚҚС мавжуд.


ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига мувофиқ корхона салбий ҚҚСни қайтариш имкониятидан фойдаланишга ҳақлими?

– Қопланиши лозим бўлган ҚҚС суммаси бўлғуси солиқ тўловлари ҳисобига ўтказилади. Шунингдек солиқ тўловчилар суммаси қайтаришга ҳақлидир (СК 274-м.).

Солиқ тўловчи салбий ҚҚС суммасини қайтариш учун ўзи ҳисобга турган жойдаги солиқ органига ариза тақдим этади. Солиқ органи солиқ суммасини қоплаш назарда тутилганлиги асослиги юзасидан камерал текширув ўтказиши. Солиқ суммасини қайтариш бўйича ўтказилган ка-

мерал текширув натижаларига кўра солиқ органи раҳбари (раҳбар ўринбосари) солиқ суммасини қоплаш (қисман ёки тўлиқ) ёки қоплашни рад этиш тўғрисида қарор қабул қилади (Низомнинг 9, 18, 22-бандлари, ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 1-илова).

Корхона реализация қилишни бошламаган шартда салбий ҚҚС суммасини қайтариш имконияти мавжудлиги тўғрисидаги масала амалдаги НХХ алоҳида ёритилмаган.



## ҲИСОБ-КИТОБДА АВ ЧИҚИБ КЕТИШНИ АКС ЭТТИРИШ

**?** Айланмадан олинандиган солиқни тўловчи корхона асосий воситани реализация қилган. 5-сон БХМСнинг 53-бандига ва СКнинг 298-моддасига мувофиқ асосий воситанинг чиқиб кетишидан молиявий натижани аниқлашда зарар кўрилганлиги маълум бўлган. 2020 йилнинг 9 ойи якунлари бўйича 3-устуннинг 010-сатри ЭХФ тизимдан автоматик тарзда йиғиладиган бўлса, айланмадан олинандиган солиқни тўловчи сифатида асосий восита реализация қилинганда ЭХФни қандай тўлдириш мумкин?

– Асосий воситаларни реализация қилишда ЭХФ худди товарларни (хизматларни) реализация қилишдаги сингари тўлдирилади. Айланмадан олинандиган солиқни тўловчи Қўшилган қиймат солиғи суммасини қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга 1-иловада берилган шаклга мувофиқ тўлдиради (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова).

ДСҚ Айланмадан олинандиган солиқ ҳисоб-китобини (9-илова, АВ рақами 3221, 24.02.2020 й.) автоматик тарзда тўлдиришга ўтиш бошлангани ҳақида маълум қилди. 2020 йилнинг III ва IV чораги учун корхонанинг жами даромади жорий чорак бўйича тақдим этилган ЭХФлардан келиб чиққан ҳолда ҳамда солиқ органларига олдинги чорак учун тақдим этилган Ҳисоб-китобнинг 010-сатри 3-устунидаги якуний сумма асосида шакллантирилади.

АВни реализация қилинганда айланмадан олинандиган солиқ бўйича солиқ базаси асосий воситанинг чиқиб кетишидан олинган даромад (фойда) ҳисобланади, у бухгалтерия ҳисоби тўғрисидаги конун ҳужжатларига

мувофиқ ҳисоблаб чиқарилади (СК 298-м., 463-м. 1-қ., 464-м. 1-қ.). АВ реализация қилинганда ЭХФ асосида Айланмадан олинандиган солиқ ҳисоб-китобининг 3-устуни 010-сатрининг автоматик тарзда тўлдирилиши солиқ бўйича солиқ базасини аниқлашда хатоликка йўл қўйилишига, шунингдек солиқ суммасининг нотўғри ҳисобланишига олиб келади.

Бироқ айти пайтда [my.soliq.uz](http://my.soliq.uz) сайтыда автоматик тарзда тўлдирилган Айланмадан олинандиган солиқ ҳисоб-китобининг 3-устуни 010-сатридаги сумма тавсиявий тусга эга бўлади. Ушбу рақамни ўзгартириш мумкин. Бунинг учун фаолият турлари бўйича 010-сатрнинг 4-9-устунларини қўлда тўлдириш лозим. Сўнгра Ҳисоб-китобга 1-«Бошқа даромадлар» иловасининг 0303-сатрига АВ чиқиб кетишидан олинган даромад суммаси киритилади. Ушбу сумма 1-илова-нинг 010 ва 030-сатрларида, шунингдек Ҳисоб-китобнинг 030-сатрида автоматик тарзда акс этади. Натijaда Ҳисоб-китобнинг 040-сатридан олинган солиқ солинадиган жами даромад суммаси тўғри бўлади.

**?** Резидент ҳисобланган воситачи топшириқ бўйича комитент-норезидент учун чегарани кесиб ўтмаган товарни харид қилади.

1. Воситачи-резидент томонидан товарни комитент-норезидентга бериш мазкур товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудидан ташиқариға чиқарилмаганда экспорт ҳисобланадими?

2. Бунда сотувчи ва воситачи томонидан ЭХФ қандай тақдим этилади?

## КОМИТЕНТГА ТОВАР БЕРИЛГАНДА ЭХФ

**1** Товарни уни қайтариб олиб кириш мажбуриятсиз Ўзбекистон Республикасининг бошхона ҳудудидан олиб чиқиб кетиш, агар қонун ҳужжатларида бошқа ҳолат назарда тутилмаган бўлса, экспорт ҳисобланади («Ташиқ иқтисодий фаолият тўғрисида»ги Қонуннинг 11-моддаси).

Воситачи-резидент томонидан комитент-норезидентга товар берилиши, агар товар Ўзбекистон Республикаси ҳудудини тарк этмаса, экспорт ҳисобланмайди.

**2** Товар реализация қилинганда сотувчи воситачига ЭХФни тақдим этади.

Воситачи комитент учун харид қилинган товарлар бўйича унга тақдим этилган ҳисобварақ-фактуралар кетма-кетлигида сотувчидан олинган ЭХФлардаги маълумотларни акс эттирган ҳолда, комитентга ЭХФларни юборади (сотувчидан олган ҳисобварақ-фактураларни ўз номидан комитентга жўнатади). Бунда «Етказиб берувчи» сатрида қўшимча равишда «Воситачи» кўрсатилади (Низомнинг 24-банди, ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова).

Ҳисобварақ-фактуранинг 1а, 1б, 1в-устунларида тегишинча ҚҚС тўловчи етказиб берувчининг (сотувчининг) номи, СТИР ва шахсий рўйхат рақами кўрсатилади.

## КВАРТИРА УҚГА УЛУШ СИФАТИДА

**?** Жисмоний шахс корхонанинг устав фондига хусусий кўчмас турар жойини, айнан квартирасини киритди. Жисмоний шахс томонидан квартира сотиб олинганига 36 ой бўлмаган.

Жисмоний шахс томонидан корхонанинг устав фондига квартира кадастр қиймати бўйича ёки ушбу қийматдан юқори нархда берилганда қандай солиқ оқибатлари юза келиши мумкин?

– Жисмоний шахс корхонанинг устав фондига мол-мулкни киритиб корхона олдидаги қарзини сўндиради. Бунда у даромад олмайди. Бинобарин, солиқ оқибатлари ҳам юзага келмайди. Бу турар жой эканлиги аҳамият касб этмайди.

Муассис томонидан устав фондига улуш киритилганда корхонада қуйидаги бухгалтерия проводкалари амалга оширилади:

- Мол-мулкни ҳисобга олувчи счётлар дебети;
- 4610-«Устав капиталига қўйилмалар бўйича муассиснинг қарзи» счёти кредити.

## УФГА УЛУШ ҲАДЯ ҚИЛИНИШИНИ РАСМИЙЛАШТИРИШ

**?** МЧЖ жисмоний шахс ҳисобланадиган учта муассисга эга. Улардан бири ўз улушини бошқа муассисга сотиб (ёки ҳадя қилиб) муассислар таркибидан чиқишга қарор қилди.

1. Улушни сотиш (ёки ҳадя қилиш) қандай расмийлаштирилади?

2. Бу қандай солиқ оқибатларини юзага келтириши мумкин?

**1** Устав фондидаги улуш сотилганда ёки ҳадя қилинганда ёзма шаклдаги битим расмийлаштирилади. Бу уставда назарда тутилган бўлса, битим нотариал расмийлаштирилади («Масъулиятли чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида»ги Қонуннинг 20-моддаси).

**2** Муассиснинг корхона устав фондидаги ўз улушини реализация қилишдан олган даромади мулкий даромад ҳисобланади. Бунда ҳужжатлар билан тасдиқланган реализация суммасининг харид нархидан (мазкур ҳолатда улушнинг номинал қийматидан) ошган қисми даромад ҳисобланади (СК 375-м. 4-б.).

Муассис ўз улушини номиналидан юқори қийматда реализация қилган тақдирда, тафовутга ЖШДС солинади. Улуш номинал бўйича реализация қилинганда солиқ оқибатлари юзага келмайди.

Корхона устав фондидаги улушга эгалик қилиш мулкий ҳуқуқ ҳисобланади. Жисмоний шахслардан текин (шу жумладан ҳадя шартномалари бўйича) олинган мол-мулкнинг, мулкий ҳуқуқларнинг қиймати солиқ тўловчининг бошқа даромадларига қиради ва унга ЖШДС солинади. Корхонанинг устав фондидаги улуш яқин қариндошлар ўртасида ҳадя қилинганда ҳадя олувчи ЖШДС тўлашдан озод этилади (СК 45-м. 4, 5-қ., 377-м. 3-б., 378-м. 11-б.).

Азизахон ТОШХҲАЕВА, «Norma» МЧЖ эксперти.

СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ  
ТАҚВИМИ

ЮРИДИК ШАХСЛАР УЧУН

## 2020 ЙИЛ ОКТЯБРЬ

| 7  | 8  | 9  | 10 | 11 | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |
|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|----|
|    |    |    |    |    | Д  | С  | Ч  | П  | Ш  | Ж  | Я  |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |
| 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |    |    |    | 1  | 2  | 3  | 4  |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |
| 21 | 22 | 23 | 24 | 25 | 5  | 6  | 7  | 8  | 9  | 10 | 11 |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |
| 28 | 29 | 30 | 31 |    | 12 | 13 | 14 | 15 | 16 | 17 | 18 |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |
|    |    |    |    |    | 19 | 20 | 21 | 22 | 23 | 24 | 25 |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |
|    |    |    |    |    | 26 | 27 | 28 | 29 | 30 | 31 |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |    |

## 5 ОКТЯБРЬ

2020 йил сентябрь ойида банклар томонидан Ўзбекистон Республикасининг норезидентларига тўланган даромадлар (дивидендлар ва фоизлар тўловидан ташқари) бўйича фойда солиғини бюджетга ўтказишнинг сўнгги куни

(СК 355-м. 2-қ. 1-б.)

2020 йилнинг сентябрь ойида натура шаклида тўланган даромадлардан жисмоний шахслардан олинган даромад солиғини тўлашнинг сўнгги куни

(СК 390-м. 2-қ.)

## 9 ОКТЯБРЬ

2020 йил октябрь ойи учун айланмадан солиқ тўловчи бўлмаганлар жумласига кирадиган солиқ тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича бўнак тўловларини йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан, шунингдек айланмадан олинган солиқни тўловчилар томонидан 2020 йилнинг IV чораги йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни\*

(СК 432-м. 1 ва 3-қ.)

## 10 ОКТЯБРЬ \*\*\*\*\*

2020 йил сентябрь ойи учун Қимматли қоғозларнинг марказий депозитарийси томонидан ўзи ва инвестиция воситачилари томонидан рўйхатга олинган акцияларга доир битимлар тўғрисидаги ахборот тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 133-м. 12-қ.)

2020 йилнинг сентябрь ойи учун акциз солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва тўловни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 292, 293-м.)

мол-мулк солиғи бўйича бўнак тўловларини айланмадан олинган солиқни тўловчилар ҳисобланмайдиган солиқ тўловчилар томонидан 2020 йил октябрь ойи учун йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни\*\*

(СК 417-м. 6-қ.)

## 14 ОКТЯБРЬ

2020 йил сентябрь ойи учун ШЖБПХ реестрларини тақдим этиш ва бадалларни тўлашнинг сўнгги куни

(Халқ банки томонидан фуқароларни жамғариб бориладиган пенсия тизимида шахсан ҳисобга олишни юриш тартиби тўғрисидаги низомнинг 16-банди, ВМнинг 21.12.2004 йилдаги 595-сон қарорига 1-илова)

## 15 ОКТЯБРЬ

2020 йил сентябрь ойи учун ЖШДС ва ижтимоий солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқларни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 389-м. 1-қ. 2-б.; 390-м.; 407-м. 4 ва 5-қ.)

2020 йил октябрь ойи учун солиқ тўловчилар томонидан қатъий миқдорда белгиланган ЖШДСни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар қатъий белгиланган миқдорда ЖШДСни тўлашни улар тадбиркорлик субъекти сифатида давлат рўйхатидан ўтказилган ёки яққа тартибдаги тадбиркор ёхуд оилавий тадбиркорлик субъекти билан меҳнат шартномаси тузилган ойдан кейинги ойдан эътиборан амалга оширади

(СК 392-м. 1 ва 2-қ.)

2020 йилнинг III чораги учун айланмадан олинган солиқ бўйича ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 470-м. 3 ва 4-қ.)

## 20 ОКТЯБРЬ

2020 йил сентябрь ойи учун қўшилган қиймат солиғи бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни

(СК 273-м. 1 ва 2-қ.)

2020 йилнинг III чораги учун бир ойда товарларни (хизматларни) реализация қилиш бўйича айланмаси 1 млрд сўмдан ошмайдиган, электрон ҳисобварақ-фактураларни қўллайдиган ҚҚС тўловчилар томонидан ҚҚС бўйича ҳисоботни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни. Бундай солиқ тўловчилар чоракнинг биринчи ойи учун солиқ органларига тегишли хабарномани (шакли *my.soliq.uz* да жойлаштирилган, шакл коди – 10012\_1) солиқ тўлашнинг дастлабки мuddатидан кечиктирмай тақдим этишлари лозим

(СК 273-м. 1 ва 2-қ.; 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон Фармон 4-банди; МВнинг 16.04.2020 йилдаги 06/04-01-03-32/1107-сон хатининг 8-банди)

2020 йил сентябрь ойи учун чет эллик шахслардан олинган товарлар (хизматлар) бўйича ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда ҚҚС ҳисоб-китоби ортиб бормайдиган якун билан, айни 2020 йил сентябрь ойи учун кўрсаткичлар асосида тўлдирилади

(СК 259-м., 273-м. 1, 2-қ.)

2020 йилнинг III чораги учун хизматларни электрон шаклда кўрсатадиган чет эл юридик шахслари томонидан ҚҚС ҳисоб-китобини тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 280, 281-м.)

2020 йилнинг III чораги учун фойда солиғи бўйича ҳисоб-китобни тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*

(СК 339-м 5-қ. 1-б., 340 ва 480-м.)

жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан олдинги чорак натижалари бўйича солиқни ҳисоблаш талаби бекор қилинган ҳолда мўлжалланаётган ҳажмдан келиб чиққан ҳолда 2020 йилнинг IV чораги ойи учун Фойда солиғи бўйича бўнак тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишнинг сўнгги куни

(СК 340-м.; ПФ-5978-сон Фармоннинг 15-банди)

2020 йил сентябрь ойи учун солиқ агентлари томонидан дивидендлар ва фоизлардан олинган солиқ суммаси бўйича солиқ ҳисоботи тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси дивидендлар ва фоизлар тўланган кундан кечиктирмай бюджетга тўланади

(СК 345-м. 5 ва 6-қ.)

2020 йил сентябрь ойи учун солиқ агентлари томонидан норезидентларнинг даромадларидан олинган солиқ суммалари бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этишнинг сўнгги куни. Бунда солиқ суммаси норезидентга даромадлар тўланган куннинг кейинги кунидан кечиктирмай бюджетга тўланади

(СК 355-м. 1 ва 2-қ.)

2020 йил октябрь ойи учун сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича бўнак тўловларини солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан кўпроқни ташкил этадиган айланмадан олинган солиқни тўламайдиган юридик шахслар томонидан йиллик солиқ суммасининг 1/12 қисми миқдоридан тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*\*

(СК 448-м. 3-қ.)

2020 йил сентябрь ойи учун ер қаъридан фойдаланганлик учун солиқ бўйича солиқ ҳисоботини тақдим этиш ва солиқни тўлашнинг сўнгги куни


(СК 454-м. 3 ва 4-қ.)

6-бетга

Солиқ тўловчининг тақвими – «Солиқ ва боғхона хабарлари» газетаси ва «Notma» МЧЖ экспертларининг муаллифлик ишланмасидир. Унинг бошқа ОАВларда қайтадан чоп этилиши ва электрон маълумотлар базаларида жойлаштирилишига «Notma» МЧЖ билан тузилган шартнома асосидагина йўл қўйилади.

# СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ТАҚВИМИ

5-бетда 23 ОКТЯБРЬ



**Этибор беринг!** Коронавирус пандемияси даврида тадбиркорлик субъектларини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш мақсадида солиқ имтиёзлари тақдим этилган. Улар Президентнинг қуйидаги фармонларида акс эттирилган:

- |                                |                                 |
|--------------------------------|---------------------------------|
| 19.03.2020 йилдаги ПФ-5969-сон | 18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон  |
| 3.04.2020 йилдаги ПФ-5978-сон  | 28.05.2020 йилдаги ПФ-6002-сон  |
| 27.04.2020 йилдаги ПФ-5986-сон | 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон. |

Президентнинг ПФ-6029-сон Фармонида мувофиқ: 2020 йил 1 июлдан 2020 йил 31 декабрга қадар:

- умумий овқатланиш корхоналари ва биноларни ижарага беришга истисослашган корхоналар айланмадан олиннадиган солиқни тўлашдан озод этилади;
- жисмоний шахслар кўчмас мулкни ижарага беришдан олинган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи тўлашдан озод этилади;
- мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспорти) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўллаш тартиби тўхтатиб турилади;
- ижарага берувчиларга 2020 йил учун ижара тўлови миқдорини пасайтириш мақсадида, шу жумладан тақдим этилаётган солиқ имтиёзларини инобатга олган ҳолда ижара тўловини қайта кўриб чиқиш тавсия этилади;
- 2020 йил 1 апрелдан 2020 йил 31 декабрга қадар умумий овқатланиш корхоналари алкоголь маҳсулотлари билан чакана савдо қилиш ҳуқуқи учун йиғимни тўлашдан озод қилинади;

Президентнинг ПФ-5969-сон Фармонида белгиланган алкоголь маҳсулотларининг улгуржи савдоси билан шуғулланувчи корхоналарнинг ажратмалари миқдорини 5%дан 3%га пасайтиришга доир имтиёз мuddати 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилади;

2020 йилда ДСҚ томонидан белгиланган ҳолларда, солиқ тўловчиларга солиқ ҳисоботларини тақдим этиш мuddатларини 5 кундан кўп бўлмаган мuddатга кечиктирилганлиги учун жарима солинмайди;

ПФ-5996-сон Фармонда белгиланган қуйидаги солиқ имтиёзлари ва преференциялари 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилган:

- 1) мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлашдан озод қилиш бўйича берилган имтиёзлар:
    - кичик тадбиркорлик субъектлари;
    - бозорлар ва савдо комплекслари, кинотеатрлар, умумий овқатланиш корхоналари, жамоат транспорти корхоналари, спорт-соғломлаштириш муассасалари, шунингдек, йўловчи ташиш, маиший хизматлар кўрсатиш, биноларни, шу жумладан банкетлар ўтказиш учун ижарага бериш фаолияти билан шуғулланувчи юридик шахслар учун;
  - 2) ижтимоий солиқ ставкасини 12 фоиздан 1 фоизга пасайтириш бўйича микрофирма ва кичик корхоналар учун берилган имтиёзлар (акциясиз маҳсулотлар ишлаб чиқарувчилар, давлат корхоналари ва устоз жамғармасида (устав капиталида) давлат улуши 50 фоиз ва ундан юқори бўлган юридик шахслар бундан мустасно). Белгиланишича, умумий овқатланиш корхоналари томонидан ходимлар сонидан қатъи назар, ижтимоий солиқнинг пасайтирилган ставкаси қўлланилади;
  - 3) божхона органларига мурожаат қилган кунгача бир йилдан кам бўлмаган мuddат давомида ташиқ иқтисодий фаолиятни амалга ошираётган микрофирма ва кичик корхоналарга, кейинчалик кечиктирилган суммани 120 кун мобайнида тенг улушларда тўлаш шарти билан, товарларни (истеъмол товарларидан ташқари) олиб киришда ундирилмаган божхона божси ва акциз солиғини тўлаш мuddатини кечиктириш тақдим этиши;
  - 4) микрофирма ва кичик корхоналарда 2020 йил 15 май ҳолатига солиқлар, пенялар ва солиқ қонунчилигини бузганлик учун ҳисобланган жарималар бўйича мавжуд бўлган қарздорликни ундиришни тўхтатиш;
- Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамоат фондида, «Саховат ва кўмак» фондида, «Ўзбекистон меҳр-шафқат ва саломатлик» жамоат фондида, шу жумладан уларнинг Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар, Тошкент шаҳри, туманлар ва шаҳарлардаги бўлинмаларига безараз ёрдам бериш (безараз ёрдам олиш) қисмида фойда солиғи, қўшилган қиймат солиғи, айланмадан олиннадиган солиқ ва жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи бўйича имтиёзларнинг амал қилиши 2020 йил 31 декабрга қадар узайтирилган;
- 14 ёшгача болалари бўлган оилаларга нафақа, шунингдек, бола икки ёшга тўлгунча қадар бола парвариши бўйича оналарга берилмаган нафақалар жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғини ҳисоблашда жами даромадга киритилмайди.

**2020 йил октябрь ойи учун жами даромади жорий солиқ давридан олдинги солиқ даври учун киритилган тузатишлар ҳисобга олинган ҳолда 5 млрд сўмдан ошадиган солиқ тўловчилар томонидан фойда солиғи бўйича ойлик бўнақ тўловларини тўлашнинг сўнгги куни\*\*\*\*\***

(СК 340-м. 2, 7, 8-қ.)

**Маълумот учун!** Президентнинг ПФ-5978-сон Фармонида мувофиқ бундай солиқ тўловчилар 2020 йил II чоракдан бошлаб ўтган чоракдаги натижалар бўйича ҳисоблаб чиқариш талаби бекор қилинган ҳолда мўлжалланаётган ҳажмдан келиб чиқиб, Фойда солиғи бўйича бўнақ тўловлари суммаси тўғрисидаги маълумотномани тақдим этишига ҳақли.

## 24 ОКТЯБРЬ\*\*\*\*\*

**2020 йилнинг III чораги учун молиявий ҳисоботни тақдим этишнинг сўнгги куни\*\*\*\*\***  
(Чорақлик ва йиллик молиявий ҳисоботларни тақдим этиш мuddатлари тўғрисидаги низомининг 4-банди, АВ рўйхат рақами 942, 3.07.2000 й.)

## 25 ОКТЯБРЬ\*\*\*\*\*

**2020 йилнинг сентябрь ойи учун меҳнатда шикастланиш ёки касб касалликлари оқибатида тайинланган пенсиялар тўлови бўйича харажатларни қоплаш учун маблағларни тўлашнинг сўнгги куни**  
(Ягона ижтимоий тўловни тақсимлаш, шунингдек харажатларни қоплаш бўйича суммаларнинг тўлашнинг ҳамда ташиқлотлар томонидан пенсия, нафақа ва бошқа тўловлар учун харажатлар амалга оширилиши тартиби тўғрисидаги низомининг 17-банди, АВ рақами 2836, 3.11.2016 й.)

\*Қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар учун солиқ тўлаш қуйидаги тартибда амалга оширилади:

ҳисобот йилининг 1 сентябрга қадар - йиллик солиқ суммасининг 30%;  
ҳисобот йилининг 1 декабрга қадар - солиқнинг қолган суммаси.

\*\*Айланмадан олиннадиган солиқни тўловчилар томонидан қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерлар учун ер солиғи бўйича бўнақ тўловлари йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан йилнинг ҳар чораги учинчи ойининг 10-санасидан кечиктирмай тўланади.

\*\*\*Солиқ даврида солиқ суммаси БХМнинг 200 бараваридан камроқни ташиқл этиладиган, айланмадан олиннадиган солиқни тўловчилар бўлмаган юридик шахслар, шунингдек айланмадан олиннадиган солиқни тўловчилар ва яққа тартибдаги тадбиркорлар томонидан сув ресурсларидан фойдаланганлиги учун солиқ бўйича бўнақ тўловлари ҳар чоракнинг учинчи ойининг 20-санасидан кечиктирмай йиллик солиқ суммасининг 1/4 қисми миқдоридан тўланади.

\*\*\*\*Бюджет ташиқлотлари ва нодавлат нотижорат ташиқлотлар томонидан фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботи солиқ даври якунлари бўйича (2020 йил учун бир йилда бир марта) тақдим этилади, бундан матлубот кооперативлари мустасно. Ўтган солиқ даври якунлари бўйича жами даромад мавжуд бўлмаган тақдирда, солиқ ҳисоботини тақдим этиш талаб қилинмайди.

Хусусий амалиёт билан шуғулланувчи нотариуслар томонидан фойда солиғи бўйича солиқ ҳисоботларини тақдим этиш ва тўлаш йилга бир марта, ҳисобот давридан кейинги йилнинг 1 мартдан кечиктирмай амалга оширилади.

\*\*\*\*\*Солиқ кодексининг 340-моддаси 3-6-қисмларига мувофиқ ҳисоблаб чиқарилган ҳар ойлик бўнақ тўловининг суммаси манфий ёки нолга тенг бўлса, кўрсатилган тўловлар тегишли чоракда амалга оширилмайди.

Солиқ тўловчилар, шу жумладан янгидан ташиқл этилган, жами даромади жорий ҳисобот даври мобайнида 5 млрд сўмдан ошган солиқ тўловчилар ҳар ойлик бўнақ тўловларини бундай ошиб кетиш содир бўлган тўлиқ чорак ўтганидан кейин тўлайди.

\*\*\*\*\* Қуйидагилар бундан мустасно:

йиллик ҳисоботни ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартдан кечиктирмай тақдим этиладиган вазирлик ва идоралар, ассоциациялар, концернлар ва давлат мулкни бошқарадиган бошқа органлар;

молиявий ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 25 мартдан кечиктирмай тақдим этиладиган чет эл инвестициялари иштирокидаги корхоналари ва чет эл фирмаларининг ваколатхоналари;

молиявий натижалар тўғрисидаги ҳисоботни йилда бир марта, ҳисобот йилидан кейинги йилнинг 15 мартдан кечиктирмай тақдим этиладиган микрофирмалар ва кичик корхоналар.

\*\*\*\*\*Мuddатнинг сўнгги куни дам олиш (ишланмайдиган) кунига тўғри келиб қолса, мuddатнинг тугаши куни бўлиб ундан кейин келувчи биринчи иш куни ҳисобланади.

ПҚ-4821-сон қарориға мувофиқ «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК тугатилаётганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Куйидагилар:

«Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК таркибига кирувчи ташкилотларнинг устав жамғармаларидаги давлат улушлари иловага мувофиқ Давлат активларини бошқариш агентлигига;

«Ўзгрозэкспортбанк» АТБ ва «Агробанк» АТБ устав капиталларидаги «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК улуши Молия вазирлигига баланс қиймати бўйича бепул ўтказилсин.

3. Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги:

иловада назарда тутилган ташкилотларни хусусийлаштиришга тайёрлаш, уларнинг жозибадорлигини ошириш, савдога чиқариш бўйича ҳар бир тadbирни аниқ амалга ошириш мuddати ва масъул шахслар кўрсатилган чора-тадбирлар режаларини икки ой мuddатда тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритсин;

2021 йил 1 мартга қадар иловада назарда тутилган ташкилотларнинг устав жамғармаларидаги давлат улушларининг белгиланган тартибда оммавий савдоларга қўйилишини таъминласин;

белгиланган тартибда сотилмаган ташкилотларнинг мол-мулкидан самарали фойдаланиш бўйича тақлифларни уч ой мuddатда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги билан биргаликда салоҳиятли, жумладан, хорижий инвесторларни мазкур бандга мувофиқ реализация қилинадиган объектлар ҳақида кенг хабардор қилиш ва уларни харид қилишга жалб этиш бўйича зарур чора-тадбирларни кўрсин.

4. «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХКни тугатиш комиссияси асосий турдаги озиқ-овқат маҳсулотларини харид қилиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратилган қарарларнинг «Ўзбекизоқовқатхолдинг» ХК тизимидаги ташкилотлар ombорхоналарида сақланаётган шакар маҳсулотларини реализация қилишдан тушган ва бошқа маблағлар ҳисобига 2021 йил 1 февралга қадар тўлиқ қопланишини таъминласин.

5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Аграр ва озиқ-овқат соҳаларини ривожлантириш масалалари котибияти ва Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлиги директори С.Х.Беменов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 23 сентябрь  
581-сон.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 23 сентябрдаги 581-сон қарорига  
ИЛОВА

**«ЎЗБЕКОЗИҚОВҚАТХОЛДИНГ» ХК ТАРКИБИГА КИРУВЧИ ТАШКИЛОТЛАРНИНГ УСТАВ  
ЖАМҒАРМАЛАРИДАГИ ДАВЛАТ АКТИВЛАРИНИ БОШҚАРИШ АГЕНТЛИГИГА БАЛАНС  
ҚИЙМАТИ БЎЙИЧА БЕПУЛ ЎТКАЗИЛАДИГАН ДАВЛАТ УЛУШЛАРИ  
РЎЙХАТИ**

| Т/р | Ташкилотлар номи  | Давлат улуши миқдори, фоиз | Суммаси, млн сўм |
|-----|---|----------------------------|------------------|
| 1   | «Shakh Gardens» МЧЖ   | 20                         | 4 000,0          |
| 2   | «Osiyo Elga Baraka» МЧЖ   | 35,6                       | 1 800,0          |
| 3   | «Bespiotnie Technologi» МЧЖ   | 100                        | 1 470,0          |
| 4   | «Ўзгрозэкспорт» АЖ  | 18,6                       | 1 199,9          |
| 5   | «Sangzor Tabiiy Sut» МЧЖ  | 100                        | 676,6            |
| 6   | «Чимбой мой» МЧЖ  | 90,2                       | 605,8            |
| 7   | «БСБ Сабзавод уруғлари» МЧЖ   | 100                        | 550,0            |
| 8   | «Янгийўлёмой» АЖ  | 3,93                       | 332,5            |
| 9   | «Дехқонсавдо» ДУК   | 100                        | 218,0            |
| 10  | «Gallaorol-Agro-Export» МЧЖ   | 57,14                      | 200,0            |
| 11  | «Ташкент ёғ-мой комбинати» АЖ   | 5                          | 196,5            |
| 12  | «Anhor Company» МЧЖ   | 3,9                        | 156,4            |
| 13  | «BKQ-Besler Kristall Quvvat» МЧЖ                                      | 25                         | 153,1            |
| 14  | «ЎзБАТ» АЖ  | 2,59                       | 147,6            |
| 15  | «Ковар ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш маркази» МЧЖ                    | 30                         | 108,0            |
| 16  | «Angren Logistika Markazi» АЖ   | 0,48                       | 100,0            |
| 17  | «A'lo sifat sinov laboratoriya» МЧЖ                                   | 100                        | 100,0            |
| 18  | «Oziqovqatzomin» МЧЖ  | 100                        | 100,0            |
| 19  | «Zamonaviy issiqxon» МЧЖ  | 100                        | 100,0            |
| 20  | «Oziqovqat-Injiniroing» МЧЖ   | 100                        | 75,0             |
| 21  | «Урганч гўшт» МЧЖ   | 25                         | 61,3             |
| 22  | «МТ Инвест-Импекс» МЧЖ  | 6,21                       | 54,1             |
| 23  | «Shafran ilmiy tadqiqot markazi» МЧЖ                                  | 7,14                       | 50,0             |
| 24  | «Таъминот маркази» МЧЖ  | 25                         | 26,6             |
| 25  | «Mandjoukov Food» МЧЖ   | 5,96                       | 23,8             |
| 26  | «Китоб анори» МЧЖ   | 6,13                       | 23,0             |
| 27  | «Choy yetishtirish rivojlantirish ilmiy-ishlab chiqarish markazi» МЧЖ | 5,2                        | 20,0             |
| 28  | «ПЭТ Пласт оил» ҚК МЧЖ  | 17                         | 17,0             |
| 29  | «Озиқ-овқат саноат таълим сервис» МЧЖ                                 | 100                        | 10,2             |
| 30  | «Андижан Фларуп оил» ҚК МЧЖ   | 10                         | 13,3             |
| 31  | «Avtosanoat Agro» МЧЖ   | 0,2                        | 7,0              |
| 32  | «Семенной картофел» ҚК МЧЖ  | 33                         | 3,8              |
| 33  | «Қишлоқ ҳаёти газетаси» МЧЖ   | 2,5                        | 3,0              |
| 34  | «Гўштсутсаноат» МЧЖ   | 100                        | 1,3              |
| 35  | «Савдогарбанк» АТБ  | 0                          | 2,3              |
| 36  | «Қарши ёғ» ҚК МЧЖ   | 10                         | 1,2              |

# ЎЗБЕКИСТОН ҚОНУНЧИЛИГИДАГИ ЯНГИЛИКЛАР

- **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ**  
— «Ўзбекистон Республикасида идентификация ID-карталарини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ**  
— «Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» лойиҳасини амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида».
- **ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ ВАЗИРЛАР МАҲҚАМАСИНИНГ ҚАРОРЛАРИ:**  
— «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги ҳузурида Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»;  
— «Якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредити ажратишнинг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш тўғрисида»;  
— «Озиқ-овқат саноати соҳасини бошқариш тизимини янада такомиллаштиришга доир чора-тадбирлар тўғрисида».

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASИДА ИДЕНТИФИКАЦИЯ ID-КАРТАЛАРИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА\*

Мамлакатимизда ахборот тизимини жадал ривожлантириш, аҳолига давлат хизматларини кўрсатишда замонавий ахборот-коммуникация технологияларидан кенг фойдаланиш, турли ахборот тизимларида ва масофавий хизмат кўрсатишда шахсни идентификациялашнинг ягона механизмини жорий этиш, шунингдек, 2017–2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини «Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йилгида амалга оширишга оид Давлат дастурида белгиланган вазифаларни ихросини самарали таъминлаш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 26 декабрдаги «Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг хориқга чиқиш биометрик паспортини расмийлаштириш ва бериш тизимини яратиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси биометрик паспорт тизимини модернизация қилишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПҚ-4079-сон қарори билан республиканинг мавжуд биометрик паспорт тизимини инфратузилмаси негизда Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти ўрнига 2021 йилдан бошлаб идентификация ID-карталарини расмийлаштириш ва бериш тизимини жорий этиш назарда тутилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Кенг жамоатчилик фикрларини ва илгор хориқий тажрибани инобатга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги ва Инсон ҳуқуқлари бўйича миллий марказининг қуйидаги тақлифларига розилик берилсин:

идентификация ID-карталарини олиш ва алмаштириш учун Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига, уларни алмаштириш учун эса давлат хизматлари марказларига ҳам мурожаат қилиши учун имкониятни яратиш;

идентификация ID-карталарини олиш учун Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар доимий яшаш жойи бўйича рўйхатга олинган манзилдаги ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимига, алмаштириш учун эса ўз ихтиёрига кўра хоҳлаган ички ишлар органларининг миграция ва фуқароликни расмийлаштириш бўлимларига мурожаат қилиши учун имкониятни яратиш;

идентификация ID-картасининг бланкасида ағсининг миллати ҳақидаги маълумотлар кўрсатилмасдан ID-картанинг чипига киритилиши;

фуқаро ўз ID-картасини олиш ёки алмаштириш юзасидан ўз вақтида мурожаат қилмаган, яросиз ҳолга келтирилган ва йўқотиб қўйган тақдирда, маъмурий жавобгарликка тортилмаслиги;

янги тўғилган болага идентификация ID-карталари мажбурий берилмасдан, унинг тўғилиши ФДЁ органи томонидан қайд этилиб,

тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома тақдим қилинганидан сўнг ота-онаси, васийлари (ҳомийлари) ихтиёрига кўра расмийлаштирилиши.

3. Шундай тартиб ўрнатилсинки, унга кўра:

идентификация ID-карталари белгиланган ҳужжатлар қабул қилиб олингандан сўнг 1 иш куни мобайнида расмийлаштириб берилади; идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун мурожаат ўзгалар ёрдамига муҳтож қариялар ва ногиронлиги бўлган шахслардан келиб тушганда масъул ходим томонидан 15 кун муддатда ушбу шахсларнинг яшаш манзилига борган ҳолда идентификация ID-картаси расмийлаштирилади ва кўрсатилган хизмат учун қўшимча тўлов ундирилмайди.

4. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг идентификация ID-картаси тўғрисидаги низоом 1-иловага\*\* мувофиқ;

Ўзбекистон Республикасида доимий яшовчи чет давлат фуқароси ва фуқаролиги бўлмаган шахсининг идентификация ID-картаси тўғрисидаги низоом 2-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Белгилаб қўйилсинки, Ўзбекистон Республикаси фуқаролари биометрик паспортлари ҳамда фуқаролиги бўлмаган шахс ва чет давлат фуқароларининг яшаш гувоҳномаларини идентификация ID-карталарига алмаштириш:

биринчи босқичда 2021 йил 1 январдан 2022 йил 31 декабргача ихтиёрийлик асосида 16 ёшга тўлган ҳамда қонунчиликда кўзда тутилган бошқа сабабларга кўра;

иккинчи босқичда 2023 йил 1 январдан 2030 йил 31 декабргача мажбурий тартибда амалга оширилади.

Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг 2011 йилги намунадаги биометрик паспорти 2031 йил 1 январдан бошлаб ҳақиқий эмас деб ҳисобланади.

6. Белгилансинки: идентификация ID-картасини расмийлаштириш учун Ўзбекистон Республикасининг «Давлат божи тўғрисидаги қонунида белгиланган миқдорда давлат божи ундирилади;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 5 январдаги ПФ-4262-сон Фармони билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикасида паспорт тизимини тўғрисидаги Низоом, амалдаги Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг биометрик паспорти 2030 йил 31 декабргача ҳақиқийдир.

7. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан бирга 2020 йил 31 декабрга қадар:

Ягона интерактив давлат хизматлари порталида идентификация ID-картасини олиш учун мурожаат қилиш, электрон навбатга туриши ва онлайн тўловни амалга ошириш имконияти жорий этилишини;

\*Ушбу Фармон Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 23.09.2020 йилдан кучга кирди.

\*\*Фармонга 1–2-иловалар «СБХ»да чоп этилмайди. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Notus» АҚТ ва [nrm.uz](http://nrm.uz) сайтида танишиш мумкин.

идентификация ID-картасини олиш учун мурожаат этилганда тутилганлик ҳақидаги гувоҳнома «Фуқаролик ҳолати далолатномаларини ёзиш органларининг ягона-электрон архиви» ахборот тизими орқали олиншини таъминласин.

8. Ўзбекистон Республикаси Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги:

а) 2020 йил 31 декабрга қадар:

Фуқаролар давлат хизматларини олиш юзасидан мурожаат қилганда ва идораларро ўзаро электрон ҳамкорликни ташкил қилганда дастурий платформалардан кенг фойдаланган ҳолда идентификация ID-картасидан фойдаланиш имкониятини амалга ошириш учун зарур бўлган имкониятларни татбиқ этиш орқали «Электрон ҳукумат» тизимини модернизация қилсин;

манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда фуқаролар давлат идоралари ва ташкилотларига мурожаат қилганда идентификация ID-картасидан фойдаланиш таъминлаш учун зарур бўлган техник ва технологик шароитлар ўрганилишини ҳамда жорий этилишини ташкиллаштирилишини таъминласин;

б) Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги билан биргаликда 2022 йил 31 декабрга қадар идентификация ID-картасидан фойдаланишда халқаро тажрибани ўрганиб, унинг асосида «Электрон ҳукумат» тизимининг давлат ва аҳоли ўртасидаги ўзаро муносабатлари бўйича қўшимча электрон шаклларини ишлаб чиқиб, тақомиллаштиришни ташкил этсин.

9. Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги, Вазирлар

Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат персоналлаштириш маркази, Адлия вазирлиги ҳамда бошқа манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда:

бир ой мuddатда идентификация ID-карталарини Ўзбекистон Республикасида жорий қилиш билан боғлиқ чора-тадбирларни назарда тутувчи Концепция ва уни амалга ошириш «Йул харитаси» лойиҳаларини;

икки ой мuddатда қонун ҳужжатларига мазкур Фармондан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида таклифларни Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ички ишлар вазирлиги ва Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги билан биргаликда оммавий ахборот воситаларида Фармонда белгиланган чора-тадбирларнинг амалга оширилишини аҳоли орасида кенг ёритилишини таъминласин.

14. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ҳавфсизлик кенгаши котиби В.В.Махмудов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини  
Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 22 сентябрь  
ПФ-6065-сон.

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ҚАРОРИ

### **«ТАБИИЙ ГАЗ НАЗОРАТИ ВА ҲИСОБИНИНГ АВТОМАТЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ ЖОРИЙ ЭТИШ» ЛОЙИҲАСИНИ АМАЛГА ОШИРИШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 июндаги «Табиий газ ва электр энергиясини сотиш механизмининг тақомиллаштириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги ПФ-6010-сон Фармонининг ижросини таъминлаш, замонавий ахборот-коммуникация технологияларини кенг жорий этиш орқали табиий газни ҳисобга олиш тизимини тақомиллаштириш, йўқотишларни бартараф этиш, шунингдек, истеъмол қилинган табиий газ учун тўловларнинг ўз вақтида ва тўлиқ ундирилишини таъминлаш мақсадида:

1. «Табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини жорий этиш» лойиҳасини (кейинги ўринларда – Лойиҳа) амалга ошириш доирасида «Худудгазтаъминот» АЖ томонидан маҳаллий ишлаб чиқарувчилар орасида белгиланган тартибда ўтказилган тендер натижаларига мувофиқ «Технопарк» МЧЖ билан электрон газ ҳисоблагичлари ва зарур бўлган ускуналарни etkazиб бериш тўғрисида шартнома тузилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. Лойиҳани амалга ошириш:

а) қуйидаги асосий йўналишлар асосида жадаллаштирилсин:

табиий газ назорати ва ҳисобининг автоматлаштирилган тизимини (кейинги ўринларда – Тизим) «ишлаб чиқариш – газ тақсимлаш станцияси – туман (шаҳар) чегараси – йирик участкалар кириш қисми – истеъмолчи» принципи асосида бутун тармоқ бўйича жорий қилиш;

ҳисоблагичларни биринчи навбатда аҳолининг табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган ҳудудларга ўрнатиш, шунингдек, йирик истеъмолчилар ва тadbиркорлик субъектларини уларнинг ҳисобидан Тизимга улаш;

аҳоли яшаш пунктларида барча истеъмолчиларнинг (маиший, саноат ва бюджет) ҳисоблагичларини ҳамда йирик участкалар кириш қисмидаги ҳисоблагичларини бир вақтнинг ўзида ўрнатиш ва Тизимга улаш ҳамда тармоқдаги йўқотишларни бартараф этиш бўйича ишларни ташкиллаштириш;

ҳисоблагичларни ўрнатиш ва Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича амалий машғулотларни ташкил

этиш орқали жойлардаги барча ходимларнинг кўникма ва малакасини ошириш;

б) қуйидаги тартибда ташкил этилсин:

«Худудгазтаъминот» АЖ маблаглари звaзига 2020 йил 1 октябрга қадар Қўйраб, Зағиота ва Тошкент туманларида Тизимни ўрнатиш;

Тикланиш ва тараққиёт жағғармасидан ажратиладиган кредит маблаглари звaзига 2021 йил 1 февралга қадар Урта Чирчиқ, Чиноз, Юкюри Чирчиқ, Янгийўл ва Кармана туманлари ҳамда Тошкент, Андижон, Бухоро, Гулистон, Жиззах, Наманган, Нукус, Самарқанд, Термиз, Урганч, Қарши, Каттақўрғон, Қўқон, Марғилон шаҳарларида ва бошқа қарздорлик даражаси бaланд бўлган ҳудудларда Тизимни ўрнатиш;

2021 йил 1 августга қадар республиканинг бошқа ҳудудларида истеъмолчиларга замонавий ҳисоблагичларни ўрнатиб, Тизимни тўлиқ жорий этиш;

икки ой мuddатда йирик истеъмолчилар, автомобилларга газ қуйиш шохобчалари ва қурилиш материаллари ишлаб чиқарувчиларини, 2020 йил якунига қадар қолган тadbиркорлик субъектларини уларнинг ўз маблаглари ҳисобидан ҳамда 2021 йил 1 майга қадар иктомий соҳа объектиларини Давлат бюджети маблаглари ҳисобидан Тизимга улашини таъминлаш.

3. Лойиҳани молиялаштириш ва 2021 йил 1 августга қадар амалга ошириш учун:

а) Тикланиш ва тараққиёт жағғармасининг 1 йиллик имтиёзли даврни ўз ичига олган ҳолда 4 йил мuddатда қайтариш шarti билан, 6 ойлик ЛИБОР плюс 3 фоиз йиллик ставкада, имтиёзли даврда асосий қарз бўйича ҳисобланган фoизлар капитализация қилиниши ҳисобга oлиниб, 150 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредити жалб қилинсин;

б) қуйидагилар жалб қилиниши маълумот учун қабул қилинсин:

«Ўзсаноатқурилишбанк» АТБнинг 27,5 миллион АҚШ доллари эквиваленти миқдоридagi кредити;

электрон газ ҳисоблагичларини йиғиш учун зарур бўлган эҳтиёт қисмларини Италиядан харид қилишга йўналтириладиган

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 25.09.2020 йилдан кучга кирди.

| Т/р | Кўрсаткичлар номи   | Қарзине қайтарилиши  |   |
|-----|---|--|---|
|     |   | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига | Иштирок этувчи тижорат банклари маблағлари ҳисобига (Қишлоқ қурилиш банк билан тузилган Ислом тараққиёт банки молиявий маблағларига хизмат кўрсатиш ва қайтариш ҳақидаги шартномага асосан асосий қарз ва фоизлар бўйича тушумлار ҳисобига) |
| 3.  | Лойиҳани амалга ошириш бўлимини молиялаштириш билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, устама ҳақи харажатлари | 100%   |   |

3. Вазирлар Маҳкамасининг «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича якка тартибдаги уй-жой қурилиши доирасида Ислом тараққиёт банкининг жалб этилган молиявий маблағларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомга ўзгартиришлар ва қўшимча киритиш ҳақида» 2018 йил 6 февралдаги 79-сон қарорига илованинг 4 ва 5-бандлари ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**

**ЯККА ТАРТИБДАГИ УЙ-ЖОЙЛАРНИ ҚУРИШ ВА ҚАЙТА ҚУРИШ УЧУН  
ИПОТЕКА КРЕДИТИ АЖРАТИШНИНГ СОДДАЛАШТИРИЛГАН ТИЗИМИНИ  
ЖОРИЙ ҚИЛИШ ТЎҒРИСИДА\***

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ипотека кредити механизми тасдиқлаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2019 йил 28 ноябрдаги ПФ-5886-сон Фармони ижросини таъминлаш, шунингдек, якка тартибдаги уй-жойларни қуриш ва қайта қуриш учун ипотека кредити ажратишни янада соддалаштириш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ипотека кредитларининг соддалаштирилган тизимини жорий қилиш мақсадида тажриба тариқасида Андижон вилоятининг Андижон шаҳри, Қўргонтепа ва Шаҳрихон туманларида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан ажратиладиган маблағлар ҳисобидан «Ипотека-банк» АТИБ ва «Қишлоқ қурилиш банк» АТБлар томонидан аҳолига ипотека кредитлари ажратиш бўйича қўйидагиларга:

мижознинг танловига қўра, ҳўжалик усулида якка тартибдаги уй-жойларни қуриш (қайта қуриш) учун ипотека кредити қарз олувчининг банк пластик карточкасига босқичма-босқич ўтказиш йўли билан ажратилишига;

қурилиш даври учун 6 ой имтиёзли давр белгиланишига; даромадлари тўғрисида камида охириги уч ой учун иш жойидан берилган маълумотномалар, иш бевуэчи томонидан берилган иш ҳақи ва унга тенглаштирилган тўловлар, пенсия тўловлари, фоизлар, дивидендлар, мол-мулкни ижарага беришдан олинган доимий тарздаги даромадлар давлат солиқ хизмати органи томонидан тасдиқланган жисмоний шахсларнинг даромадлари бўйича декларациялар билан бирга ва халқаро пул ўтказмалари тизими орқали келиб тушган маблағлар ҳалда конунчиликда тақиқланмаган бошқа даромадларни қарз олувчининг (биргалиқда қарз олувчининг) кредитга лаъбатлигини ҳисоблашда инобатта олишга; кредитнинг мақсадли ишлатилишини банк ва қарз олувчи

ўртасида дастлаб имзоланган уй-жой қурилишини бажариш режа-жадвали асосида бажарилган ишлар сифатида қабул қилишга; кредит ажратиш учун якка тартибдаги уй-жойларнинг тегишли лойиҳа ташкилотлари томонидан ишлаб чиқилган лойиҳа-смета ҳужжатлари (ер усти ва ер ости муҳандислик коммуникациялари акс эттирилган ер участкаси тархи, якка тартибда уй-жойнинг пойдеворлари, ертўлалари, қаватлари, уларнинг кесимлари ва бионинг олд томони тарҳлари, молиявий смета ҳисоб-китоби) ҳамда асосий турдаги қурилиш материаллари қиймати асос сифатида қабул қилинишига;

якка тартибдаги уй-жойларнинг молиявий смета ҳисоб-китобининг 10 фоизи микдорида бошланғич бадал сифатида қарз олувчининг маблағлари, мавжуд қурилиш материаллари, ишчи кучи ва бажарилган қурилиш-монтаж ишлари қабул қилинишига рухсат берилсин.

2. «Ипотека-банк» АТИБ ва «Қишлоқ қурилиш банк» АТБга мазкур қарор талабларидан келиб чиққан ҳолда, ўзининг ички низомларига тегишли ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш таъсия этилсин.

3. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодий ва камбағаллиқни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағаллиқни қисқартириш вазيري Ж.А.Қўчқоров ҳамда Андижон вилояти ҳокими Ш.Қ.Абдурахмонов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазيري  
А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 21 сентябрь  
576-сон.

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 22.09.2020 йилдан кучга кирди.

**ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAҲKAMASINING  
ҚАРОРИ**

**ОЗИҚ-ОВҚАТ САНОАТИ СОҲАСИНИ БОШҚАРИШ ТИЗИМИНИ ЯНАДА  
ТАКОМИЛЛАШТИРИШГА ДОИР ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА\***

Мамлакатда озиқ-овқат саноатини ривожлантиришда бозор механизми жорий қилиш, соҳада давлат иштирокини қисқартириш ва рақобат муҳитини янада мустаҳкамлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Республика озиқ-овқат саноатини жадал ривожлантириш ҳамда аҳолини сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари билан тўлақонли таъминлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида» 2020 йил 9 сентябрдаги

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида ([lex.uz](http://lex.uz)) эълон қилинган ва 24.09.2020 йилдан кучга кирди.

жамланади ва валюта курси ўзгариши таъсирида юзага келадиган тафовутлар ушбу маблағлар ҳисобига қопланади;

в) чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш.

11. Кафолат жамғармаси маблағларидан мазкур Низомнинг 10-бандида назарда тутилмаган бошқа мақсадлар учун фойдаланиш тақиқланади.

#### 4-БОБ. КАФОЛАТ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИ БОШҚАРИШ

12. Давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар бўйича қардор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирилган банклар ўз қарз тўловларини вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда мазкур қардорлик, биринчи навбатда, Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобига, Кафолат жамғармаси маблағлари ётмаган тақдирда Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети маблағларидан қайтарилади.

13. Кафолат жамғармасининг жорий молия йилида фойдаланилган маблағлари молия йили охирида Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджетига олиб қўйилмайди ва улардан кейинги йилларда фойдаланилади.

14. Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобига давлат ташқи қарзи учун амалга оширилган тўловдан сўнг бир банк иш кuni мобайнида Ҳазначилик томонидан қардор ташкилот(лар)га амалга оширилган тўлов ва қарзларни қайтариш бўйича хабарнома жўнатилади.

15. Молия вазирлиги билан қардор ташкилот ўртасида тузилган қайта кредитлаш шартномаларида бошқа муддат белгиланмаган бўлса, қардор ташкилотнинг қардорлиги Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобига тўланган кундан бошлаб Молия вазирлиги томонидан қардор ташкилотнинг асосий банк ҳисобварақларига

инкассо топшириқномалари қўйилади. Инкассо топшириқномалари қонун ҳужжатлари талаблари асосида бажарилади.

Молия вазирлиги амалдаги қардор ташкилотларнинг қардорлигини маҳаллий бюджетларнинг қўшимча даромадлари ёки бошқа шерик қардорлар маблағлари ҳисобига ундириб олиш бўйича қонун ҳужжатлари доирасида чоралар қўради.

Қардор ташкилотлардан тўловлар 30 календарь кун давомида тўлиқ қайтарилмаган тақдирда, мазкур тўланмаган қардорлик ва унга ҳисобланган пенялар ҳамда қўлланилган жарималар суд тартибида ундирилади.

16. Қардор ташкилотларнинг қардорлиги Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобига тўланишидан қатъи назар, қардор ташкилотнинг қайта кредитлаш шартномаларига мувофиқ Молия вазирлиги олдидаги мажбуриятлари ўз кучида қолади ҳамда ўз вақтида қопланмаган муддати ўтган қардорликлар учун шартнома шартлари бўйича пенялар ва жарималар қўлланилганда.

#### 5-БОБ. КАФОЛАТ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФЙДАЛАНИШ ЮЗАСИДАН ҲИСОБ ВА ҲИСОБОТ

17. Кафолат жамғармаси маблағларини шаклантириш ва улардан фойдаланиш ҳисоби Ҳазначилик томонидан юритилади ва чораклик, ярим йиллик ҳамда йиллик ҳисоботлар тузилади.

18. Ҳазначилик Кафолат жамғармаси маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ҳисоботи Молия вазирлигига тақдим этади.

#### 6-БОБ. ЯКУНЛОВЧИ ҚОИДАЛАР

19. Ушбу Низом талаблари бузилишида айбдор бўлган шахслар қонун ҳужжатларига мувофиқ жавоб берадилар.

20. Ушбу Низомни амалга оширишда юзага келадиган низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал қилинади.

ЎзР ВМнинг 2020 йил 21 сентябрдаги 573-сон қарорига 2-ИЛОВА

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKACISI ҲУКУМАТИНИНГ АЙРИМ ҚУРМЛАРИГА КИРИТИЛАЁТГАН ЎЗГАРТИРИШЛАР

1. Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 8 январдаги 7-сон қарори билан тасдиқланган Жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича Ўзбекистон Республикаси кафолатлари берилганлиги учун тўлов ундириш тартиби тўғрисидаги низомада:

а) 2-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«2. Ўзбекистон Республикасининг кафолати остида жалб этиладиган хорижий кредитлар бўйича қарз олувчилардан (субқарз олувчилардан) тушадиган тақдирлаш пули Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги хузуридаги Кафолат жамғармаси даромадларини шаклантириш манбалари сифатида ҳисобга олинади ва Кафолат жамғармасининг чет эл ва миллий валютадаги очилган шахсий газна ҳисобварақларига ўтказилади»;

б) 4-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«4. Ўзбекистон Республикасининг кафолатлари учун тўловлар қарзларнинг қолдиқ суммасига камиди йиллик 0,5 фоиз миқдорда белгиланади.

Тўлаш манбаи Давлат бюджети маблағлари бўлган кредитлар бўйича тақдирлаш пули ундирилмайди.»;

в) 8-банд куйидаги тахрирда баён қилинсин:

«8. Қарз олувчилар (субқарз олувчилар) томонидан тўланган тақдирлаш пули қайтарилмайди ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги хузуридаги Кафолат жамғармаси тасарруфига қолади».

2. Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 10 июлдаги 189-сон қарори билан тасдиқланган Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиш доирасида Ислому тараққиёт банкнинг жалб этилган молиявий маблағларидан фойдаланиш, уларга хизмат кўрсатиш ва уларни қайтариш тартиби тўғрисидаги низомида:

а) 27 ва 30-бандлар ўз кучини йўқотган деб ҳисоблансин;

б) Низомга илованинг матни куйидаги тахрирда баён қилинсин:

#### «Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қурилиш» лойиҳаси доирасида Ислому тараққиёт банкнинг молиявий маблағларини, шу жумладан, устама ҳақи қайтарилиши СХЕМАСИ

| Т/р | Кўрсаткичлар номи   | Қарзнинг қайтариллиши  |   |
|-----|---|--|---|
|     |   | Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети маблағлари ҳисобига | Иштирок этувчи тижорат банклари маблағлари ҳисобига (Қишлоқ қурилиш банк билан тузилган Ислому тараққиёт банки молиявий маблағларига хизмат кўрсатиш ва қайтариш ҳақидаги шартномага асосан асосий қарз ва фюзлар бўйича тушумлар ҳисобига) |
| 1.  | Қишлоқ жойларда намунавий лойиҳалар бўйича яқка тартибдаги уй-жой қуриш учун ажратилган маблағлар, шу жумладан, устама ҳақи харажатлари |  | 100%  |
|     | Қарзни қайтаришда вужудга келадиган валюта курсинининг ўзгариши билан боғлиқ харажатлар, шу жумладан, устама ҳақи харажатлари           | 100%   |   |
| 2.  | Сув таъминоти ва кириш автомобиль йўллари қурилиши учун сарфланган молиялаштириш харажатлари, шу жумладан, устама ҳақи харажатлари      | 100%   |   |

Италиянинг «SACE» давлат экспорт-кредит агентлигининг сургута қопламаси остида хоржий тижорат банкири кредити;

Лойиханинг маҳаллий харажатларини қоплаш учун биринчи ўринда республика жамғармалари ва маҳаллий тижорат банкларининг маблағлари ва заруратга қўра хоржий молиявий ташкилотлар қарз маблағлари.

Инвестициялар ва ташқи саудо вазирлиги Молия вазирлиги, Энергетика вазирлиги ва «Узсаноатқурилишбанк» АТБ билан биргаликда жорий йил якунига қадар Италиянинг «SACE» давлат экспорт-кредит агентлиги ва хоржий молиявий ташкилотлар билан музокаралар якунланишини ҳамда зарур миқдордаги маблағлар жалб қилинишини таъминласин.

Молия вазирга «Худудгазтаъминот» АЖнинг Лойиха доирасида таъминот бўйича молия ташкилотлари, жамғармалар ва банклар олдидаги мажбуриятлари юзасидан тегишли кредит шартномаларининг талабларини асосида **Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатларини бериш ваколати** тасдиқ этилсин.

4. Қўйидагилар:

Лойиха доирасида электрон газ ҳисоблагичларини етказиб бериш ва ўрнатish графикалари 1 ва 2-иловага\*\* мувофиқ; табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган худудларда Тизимни жорий қилиш графиги 3-иловага\*\* мувофиқ; табиий газ истеъмоли ва қарздорлик даражаси юқори бўлган худудларнинг йирик участкалари кириш қисмига электрон газ ҳисоблагичларини 2020 йилда ўрнатish графиги 4-иловага\*\* мувофиқ;

табиий газ улгуржи истеъмолчиларининг Лойиха маълумотлар базасига улашиш графиги 5-иловага\*\* мувофиқ; табиий газ ҳисоблагичларини ўрнатish ҳамда Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича 2020 йил октябр ойда ўтказиладиган амалий машғулотлар графиги 6-иловага\*\* мувофиқ;

Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳининг намунавий тартиби 7-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

5. Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳлари:

Бир ҳафта мuddатда ҳисоблагичларни ўрнатish ва Тизимга улаш ишларини ташкиллаштиришга маҳалла раислари ва нозирларини жалб қилиш ҳамда тизимли равишда аҳоли ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб боришни ташкил қилсин; ҳисоблагичлар ўрнатилган хонадонларда ишлатилган табиий газ учун тўловларни ўз вақтида амалга ошириш ва юзага келган қарздорликларни ўқдириш ишларини тизимли ташкил қилсин;

худудда Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш, ўрнатилган ҳисоблагичларга сервис хизматлари кўрсатиш ишларини ташкил қилсин;

Тизимни жорий этиш бўйича кунлик назорат ўрнатсин; амалга оширилган ишлар тўғрисида маъсул ташкилотлар раҳбарларининг ҳисоботларини ҳар ҳафтада туман ва шаҳар халқ депутатлари Кенгашларида ҳамда ҳар ойда вилоят даражасида эшитишни ташкиллаштирсин.

6. Тизим жорий этилишини назорат қилиш, натижадорлигини ўрганиш ва таҳлил қилиш комиссияси 8-иловага\*\* мувофиқ тартибда ташкил этилсин.

Қўйидагилар мазкур комиссиянинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

Тизим жорий этилиши юзасидан назорат ўрнатish, аниқланган камчиликларни ўз вақтида бартараф этиш;

Тизимни жорий этишни ташкиллаштириш бўйича ишчи гуруҳларининг ишлари натижадорлигини, дебитор қарздорликни камайтириш ва ноқонуний улашишларга чек қўйиш самарадорлигини баҳолаш, ушбу йўналишларда маъсул раҳбарларнинг лавозим лойиқлиги юзасидан Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритиш.

7. Вазирлар Маҳкамаси Ҳисоб палатаси, Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги, Энергетика вазирлиги билан биргаликда 2020 йил 1 октябрдан бошлаб ушбу қарорга 3-иловада назарда тутилган худудларда аҳолига сотилган табиий газ бўйича қўшимча тушумларнинг бир қисмини «Худудгазтаъминот» АЖнинг ҳар бир худуд кесимида махсус ҳисобрақамларида жамғариш ҳамда мазкур маблағлар ҳисобидан Тикланиш ва тараққиёт жамғармасидан жалб қилинган кредит маблағларини қайтариш тартибини жорий қилсин.

8. Ҳисоб палатаси тузилмасида ходимларнинг умумий чеклан-

ган сони ва меҳнатга ҳақ тўлаш фонди доирасида 5 нафар штат бирлигидан иборат Электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларининг жорий этилишини ҳамда ҳисоб-китоблар ҳолатини мониторинг қилиш шўъбаси ташкил этилсин.

Ҳисоб палатасига қўйидаги қўшимча вазифалар юклатилсин: таъминотчи корхоналарнинг тақсимлаш тармоқларида электр энергияси ва табиий газ йўқотишларининг ўзгаришини таҳлил қилиш;

электр энергияси ва табиий газни ҳисобга олиш ва назорат қилишнинг автоматлаштирилган тизимларини жорий этиш ҳолати, электр энергияси ва табиий газ истеъмоли, ўзаро ҳисоб-китоблар ва мавжуд дебитор-кредитор қарздорликларининг таҳлили ва мониторингини олиб бориш, ушбу йўналишларда тегишли чоралар қўриб бориш;

махсус ҳисобрақамларга пул тушумлари, уларнинг мақсадли сарфланиши ҳамда Тикланиш ва тараққиёт жамғармасининг кредит маблағлари тўлиқ ва ўз вақтида қайтарилиши устидан тизимли назорат ўрнатish.

9. «Худудгазтаъминот» АЖ:

2021 йил 1 январдан бошлаб табиий газ ҳисобини тўлиқ йўлга қўйиш, тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ ўқдиришни таъминлаш, Тизим орқали аниқланган хатоларни тезкорлик билан жойига чиқиб, ўрганиш ва бартараф қилиш ишларини тизимли ташкиллаштириши;

Лойиха доирасида ажратиладиган маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланишни ҳамда белгиланган тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишни;

табиий газ ҳисоблагичларини ўрнатish ва Тизим имкониятларидан самарали фойдаланиш бўйича мазкур қарорга 6-иловадаги график асосида амалий машғулотлар ўтказилишини ташкил этиб, жойлардаги барча ходимларнинг кўникма ва малакасини оширишни;

ҳар бир туман ва шаҳарда ҳисоблагич ўрнатish гуруҳларини шакллантириш, ахтиёжга қўра, туманларга мобил ўрнатish гуруҳларини ташкиллаштириб, график асосида худудларда жалб қилишни йўлга қўйиш;

худудий газ таъминоти ташкилотлари томонидан Лойиха доирасида табиий газ ҳисоблагичларининг истеъмолчиларга ўрнатилишида белгиланган тартибга қатъий риоя этилишини ва истеъмолчилар ҳуқуқлари бузилишининг олдини олишни;

маҳаллий ишлаб чиқарувчи корхоналар билан тузилган шартномалар доирасида белгиланган тўловларни ўз вақтида амалга оширишни;

мутасадди вазирлик ва идоралар билан биргаликда Лойиханинг техник-иқтисодий асосланишининг экспертизасини якунлаб, 2020 йил 1 декабрга қадар тасдиқлаш учун Вазирлар Маҳкамасига киритишни;

2021 йил 1 июнга қадар Тизим билан мувофиқликда ишловчи замонавий биллинг тизими яратилишини;

«Ўзлётхсанот» уюшмаси билан биргаликда туман ва шаҳарлар кесимида электрон газ ҳисоблагичлари ўз вақтида етказиб берилишини, шунингдек, ҳар бир худудда ҳисоблагич ва бошқа ускуналарни таъмирлаш ва уларга сервис хизматини кўрсатиш шохобчалари ташкил қилинишини таъминласин.

10. Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта мuddатда истеъмолчиларнинг «Худудгазтаъминот» АЖ олдидаги истеъмол қилинган табиий газ учун қарздорликларини ўқдириш графигини ишлаб чиқиб, уни амалга ошириш чораларини қўриб бориш.

11. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан Лойихани молиялаштириш учун ажратиладиган кредитни сўндириш ҳамда ушбу кредит бўйича фоиз ва комиссияларни тўлашнинг прогноз жадвали 9-иловага\*\* мувофиқ тасдиқлансин.

12. Энергетика вазирлиги Лойиха доирасида: «Худудгазтаъминот» АЖга ажратиладиган қарз маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш;

табиий газ ҳисобини юритиш; аҳолига етказиб берилаётган табиий газ йўқотишларини бартараф этиш бўйича режалаштирилган натижадорлиқни таъминлаш;

тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ миқдорларда ўқдирилишини таъминлаш устидан қатъий назорат ўрнатсин.

13. Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Идораларга тариф комиссияси икки ҳафта мuddатда:

\*\*Қарорга 1–9-иловалар «СБХ»да чоп этилмайд. Ҳужжатнинг тўлиқ матни билан «Norma» АҚТ ва nrm.uz сайтида танишиш мумкин.

«Худудгазтаъминот» АЖнинг Лойиҳа бўйича мажбуриятларини ҳисобга олган ҳолда табиий газни сотиб олиш нархларини ва табиий газни сотишдан тушган маблағларни тақсимлаш тартибини қайта қўриб чиқиб, тасдиқласин;

республикадаги иссиқлик таъминоти корхоналарининг пул маблағлари тақсимоти тартибини «Худудгазтаъминот» АЖ олдидаги етказиб берилган табиий газ учун мавжуд қарздорликни сўндиришни ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқиб, тасдиқласин.

14. «Худудгазтаъминот» АЖга Лойиҳа амалга оширилишида, истисно тариқасида, унинг техник-иқтисодий асосланиши тасдиқланганига қадар Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси ҳамда «Ўзсаноатқурилишбанк» АТБ билан биргаликда ўрнатилган тартибда экспортгадан ўтган импорт шартномалари, шунингдек, маҳаллий пудратчи ва таъминоти ташкилотлар билан тузилган шартномалар бўйича молиялаштиришга рухсат берилсин.

15. Бергилаб қўйилсинки:

**Энергетика вазирлиги** Лойиҳа ўз вақтида амалга оширилишига масъул ижрочи орган ҳисобланади;

**«Худудгазтаъминот» АЖ** Лойиҳа доирасида жалб этилаётган кредитлар бўйича қарз олувчи ҳисобланади, у асосий қарзни тўлайди, тегишли маблағлар ҳисобидан фоизлар, комиссиялар ва кредитларга хизмат кўрсатиш бўйича бошқа харажатларни қоплайди ҳамда жалб этилаётган қарз ва кредит маблағларидан мақсадли ва самарали фойдаланиш учун масъул ҳисобланади;

Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, Тошкент

шаҳар ва вилоят ҳокимликлари «Худудгазтаъминот» АЖ билан ҳамкорликда мазкур қарорга 3 ва 4-иловаларга мувофиқ электрон газ ҳисоблагичларининг тўлиқ ўрнатилишини таъминлайди;

ушбу қарорга 5-иловада белгиланган муддатлардан сўнг улгуржи истеъмолчилар билан шартномавий муносабатларга маълумотларини Тизимга фақат онлайн тарада узатилиши таъминланган ҳолда йўл қўйилади.

16. Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги «Худудгазтаъминот» АЖ билан биргаликда:

**икки ҳафта муддатда** Тизим ўрнатиладиган худудларда алоқа ва Интернет қамрови билан таъминланганлик ҳамда алоқа сифати техник талабларга мослиги даражасини ўргансин;

**бир ой муддатда** барча худудларни алоқа ва Интернет қамрови билан 2020 йил якунига қадар таъминлаш ҳамда алоқа сифатини техник талабларга мослаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар режасини ишлаб чиқсин ва унинг амалга оширилишини таъминлаб бурсин.

17. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.Н.Арипов ва Ҳисоб палатаси раисининг биринчи ўринбосари Б.Т.Турабов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президентини Ш.МИРЗИЁЕВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 24 сентябрь  
ПҚ-4840-сон.

## ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI VAZIRLAR MAHQAMASINING QARORI

### ЎЗБЕКИСТОН RESPUBLIKASI MOLIA VAZIRLIGI FAZNACHILIGI HUZURIDA DAVLAT QARZIGA XIZMAT KURSATISH BUIYICHA KAFOLAT JAMGARMASI FAOLIYATINI TASHKIL ETISH TUGRISIDA\*

Илгор халқаро тажриба асосида давлат қарзига ўз вақтида, тўлиқ ва кафолатли хизмат кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Вазирлар Маҳкамаси қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги хузурида юридик шахс мақомига эга бўлмаган Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси (кейинги ўринларда – Кафолат жамғармаси) ташкил этилсин.

2. Қўйидагиларни назарда тутувчи Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Фазначилиги хузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низом 1-иловага мувофиқ тасдиқласин;

Кафолат жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ҳамда улардан фойдаланиш йўналишларини белгилаш; давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар бўйича қарздор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирувчи банклар ўз қарз тўловларини вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда мазкур қарздорликни қарздор ташкилотлардан ундириш шarti билан Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобидан қоплаш;

Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобига қарздорликни қоплаш ва Кафолат жамғармаси маблағлари ҳисобига қопланган маблағларни қарздордан ундириш тартиби;

Кафолат жамғармасининг бўш турган маблағларини вақтинча депозитга joyлаштириш, чет эл валютасини сотиш ва сотиб олиш ҳамда юқори ликвидли қимматли қозғаларга инвестиция қилиш орқали самарали бошқариш;

Кафолат жамғармаси маблағларининг ҳисоби ва ҳисоботини юритиш.

3. Белгилансинки:

давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар бўйича қарздор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирувчи банклар ўз қарз тўловларини вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда мазкур қарздорлик, биринчи навбатда Кафолат жамғармаси маблағлари, Кафолат жамғармаси маблағлари ётарли

бўлмаган тақдирда эса Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига қопланади;

Кафолат жамғармаси маблағлари ва Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига қопланган қарздорлик, ҳисобланган пеня ва жарима тўловлари қарздор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирувчи банклар томонидан мос равишда Кафолат жамғармаси ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига қайтарилади.

4. Давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилган лойиҳа ва дастурлар бўйича қарздор ташкилотлар ёки қайта молиялаштирувчи банклар:

ҳар йили кейинги молия йили учун шакллантириладиган бизнес режа ёки харажатлар сметаларида қарз тўловлари билан боғлиқ харажатларни мажбурий равишда назарда тутсин;

қарзларни ўз вақтида тўлаш мақсадида қўшимча даромад манбаларини аниқлаштириб бурсин.

5. Ўзбекистон Республикаси Ҳукуматининг 2-иловага мувофиқ айрим қарорларига ўзгартиришлар киритилсин.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги манфаатдор вазирликлар ва идоралар билан биргаликда 2020 йил 15 ноябрга қадар ушбу қарор мазмунидан келиб чиқиб Ўзбекистон Республикаси Бюджет кодексига тегишли ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш бўйича Вазирлар Маҳкамасига тақлиф киритсин.

7. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг молия-иқтисодийет ва камбағалликни қисқартириш масалалари бўйича ўринбосари – иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазири Ж.А.Қўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси молия вазири Т.А.Ишметов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А.АРИПОВ.**

Тошкент ш.,  
2020 йил 21 сентябрь  
573-сон.

\*Ушбу қарор Қонун ҳужжатлари маълумотлари миллий базасида (lex.uz) эълон қилинган ва 22.09.2020 йилдан қучга кирди.

## **ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МОЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ҲАЗНАЧИЛИГИ ҲУЗУРИДАГИ ДАВЛАТ ҚАРЗИГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БЎЙИЧА КАФОЛАТ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ВА УЛАРДАН ФОЙДАЛАНИШ ТАРТИБИ ТЎҒРИСИДА НИЗОМ**

### **1-БОБ. УМУМИЙ ҚОИДАЛАР**

1. Ушбу Низом Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ҳазначилиги (кейинги ўринларда – Ҳазначилик) ҳузуридаги Давлат қарзига хизмат кўрсатиш бўйича кафолат жамғармаси (кейинги ўринларда – Кафолат жамғармаси) маблағларини шакллантириш ва улардан фойдаланиш тартибини белгилайди.

2. Кафолат жамғармаси давлат қарзига ўз вақтида, тўлиқ ва кафолатли хизмат кўрсатишни таъминлаш мақсадида тузилади.

Кафолат жамғармаси даромадлари ва харажатлари Ўзбекистон Республикасининг консолидацияланган бюджети тарихида киритилади.

3. Кафолат жамғармаси юридик шахс ҳисобланмайди ва унинг маблағлари миллий ва чет эл валютасида шахсий газна ҳисобоварларида жамланади.

4. Давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилмаган дастурлар Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги (кейинги ўринларда – Молия вазирлиги) томонидан суверен халқаро облигациялар чиқариш, бюджетни қўллаб-қувватлаш дастурларини амалга ошириш ва бошқа дастурларни ўз ичига олади.

5. Давлат қарзи ҳисобига молиялаштирилмаган лойиҳалар давлат ташкилотлари ва бошқа ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилади ва ушбу қарз уларнинг ўз маблағлари ёки Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетни маблағлари ҳисобига қопланиши назарда тутилган лойиҳаларни ўз ичига олади.

6. Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари учун тўловлар (кейинги ўринларда – тақдирлаш пули) қарзнинг қолдиқ суммасига (қарзни қоплаш жадвалига мувофиқ) камиди йиллик 0,5 фоиз миқдорда белгиланади.

Тўлаш манбаи Давлат бюджетни маблағлари бўлган кредитлар бўйича тақдирлаш пули ундирилмайди.

Тақдирлаш пули жалб этиладиган кредитни қайтариш жадвалига мувофиқ фозилар тўланадиган тегишли саналарда «Ўзбекистон Республикаси валюта биржаси» АЖ савдо майдончаси сессияларида белгиланган жорий курс бўйича тенг миқдорда сўмда тўланади.

Тақдирлаш пулини тўлаш уч банк шун кундан ортиқ мuddат мобайнида кечиктирилган тақдирда, қарз олувчилар томонидан мuddати ўтказиб юборилган суммага қўшимча равишда ҳар бир кечиктирилган кун учун мuddати ўтказиб юборилган қарз суммасининг 0,1 фоизи миқдорда пеня тўланади, бироқ бунда пенянинг умумий суммаси қарз суммасининг 50 фоизидан ошиб кетмаслиги лозим.

7. Ўзбекистон Республикаси номидан чет эл валютасида жалб қилинган кредитларни (қарзларни) қайтадан кредитлашда кредит (қарз) бўйича хизмат кўрсатиш юзасидан ҳўтимолдаги тавақалчиликларни қоплаш мақсадида фойдаланиш учун қайта кредитланадиган битимларда Молия вазирлиги томонидан жалб қилинаётган кредит (қарз) ставкасининг 50 фоиздан ошмайдиган миқдорда Ўзбекистон Республикаси маржаси (кейинги ўринларда – маржа) белгиланади.

Тўлаш манбаи Давлат бюджетни маблағлари бўлган қайта кредитланадиган битимларда маржа белгиланмайди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентни ёки Вазирлар Маҳкамасининг ҳўжатларига мувофиқ тақдирлаш пули ва (ёки) маржадан тўлиқ ёки қисман озод қилиш бўйича имтиёз берилиши мумкин.

### **2-БОБ. КАФОЛАТ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ**

9. Қуйидагилар Кафолат жамғармаси маблағларини шакллантириш манбалари ҳисобланади:

а) жалб этиладиган кредитлар (қарзлар) бўйича Ўзбекистон Республикасининг давлат кафолатлари берилганлиги учун ундирилмаган тақдирлаш пули;

б) Ўзбекистон Республикаси номидан чет эл валютасида жалб қилинадиган ва шу валютادا қайта кредитланадиган битимлардаги кредит (қарз) бўйича қарздорлик тўлиқ тўланган тақдирда, кредит (қарз) бўйича Ўзбекистон Республикаси маржасининг фойдаланилмай қолган суммасига тенг миқдорда Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ўтказиладиган маблағлар;

в) Ўзбекистон Республикаси номидан чет эл валютасида жалб қилинадиган ва миллий валюта, шунингдек, чет эл валютасида қайта

кредитланадиган битимлар бўйича тўлов мuddатларининг талаблари тўлиқ бажарилмаганда мuddати ўтган қарздорликлар (асосий қарз, фоиз, маржа ва бошқа тўловлар) юзасидан ҳисобланган ва тўланган (ундирилган) пенялар (шу билан биргаликда жарималар);

г) Ўзбекистон Республикаси номидан тузиладиган барча турдаги халқаро ва маҳаллий қарз битимларида, қайта кредитлаш битимларида, Молия вазирлиги томонидан чет эл валютасида маблағларни депозитга қўйиш, сууда ва кредит линияларини ажратиш ҳамда Молия вазирлиги олдидаги бошқа мажбуриятлар бўйича шартномаларда белгиланган молиявий шартлар ва талабларини (ковенантлар) бузилиши ҳолатлари аниқланганда ундирилмаган тўловлар;

д) Ўзбекистон Республикаси номидан хориждан маблағ жалб қилиш тўғрисида Ўзбекистон Республикаси номидан шартномалар тузиш ҳўқуқига эга бўлган, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ёки улар ваколат берган орган томонидан чет эл валютасида жалб қилинадиган ёки миллий валютада қайта кредитланадиган битимларда кредитларнинг фоиз тўловлари ўртасидаги ижобий фарқдан тушадиган тушумлар;

е) Молия вазирлигида вақтинча бўш турган халқаро молия институтлари, хорижий ҳўкумат молия ташкилотларидан жалб қилинган қарзларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига белгиланган тартибда депозитга жойлаштиришдан олинмаган даромадлар;

ж) Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағларни Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига белгиланган тартибда депозитга жойлаштиришдан олинмаган фоиз тўловлари ўртасидаги ижобий фарқ бўйича даромадлар;

з) қайта кредитлаш шартномаларига асосан қарздорлар томонидан қайтарилган маблағларнинг давлат ташқи қарзи тўловларидан ортиб қолган қисмини келгусида давлат ташқи қарзи тўловлари учун захира сифатида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига белгиланган тартибда депозитга жойлаштиришдан олинмаган даромадлар;

и) Кафолат жамғармасининг вақтинча бўш турган миллий ва чет эл валютасидаги маблағларини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва тижорат банкларига белгиланган тартибда депозитга жойлаштиришдан ҳамда юқори ликвидли қимматли қозғаларга инвестиция қилишдан олинмаган даромадлар;

к) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тушадиган Ўзбекистон Республикасининг халқаро облигацияларини жойлаштиришдан тушган маблағларни депозитга жойлаштириш, кредит линияси очиш ва бюджет суудасини ажратишдан фоиз тарзида тўланадиган даромадлардан олинган фойда солиғи миқдориди Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратмалар;

л) Ўзбекистон Республикаси республика бюджетига тушадиган ер қазирдан фойдаланганлик учун солиқнинг прогноздан ортириб бажарилган қисмининг 50 фоизи миқдориди Ўзбекистон Республикаси республика бюджетидан ажратмалар;

м) қонун ҳўжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар.

### **3-БОБ. КАФОЛАТ ЖАМҒАРМАСИ МАБЛАҒЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИШ**

10. Кафолат жамғармаси маблағларидан қуйидаги мақсадлар учун фойдаланилади:

а) қарздор ташкилотлар давлат қарзи бўйича тўловларни ўз вақтида ва тўлиқ амалга оширмаган ҳолатларда қарздор ташкилотлар томонидан қайта қоплаш шarti билан қарз тўловларини амалга ошириш;

б) Ўзбекистон Республикаси номидан чет эл валютасида жалб қилинган давлат ташқи қарз маблағларини миллий валюта ҳамда чет эл валютасида амалга ошириладиган лойиҳаларни молиялаштириш натижасида юзага келадиган валюта курси хатарларининг олдини олиш учун. Бунда чет эл валютасида жалб қилинган ва миллий валюта ҳамда чет эл валютасида берилган кредитларнинг фоиз тўловлари ўртасидаги ижобий фарқ Кафолат жамғармасида

**Воситачида бухгалтерия ҳисоби:**

| Ҳужалик операциясининг мазмуни  | Счётлар корреспонденцияси                       |   |
|---|---|---|
|   | дебет   | кредит  |
| Комитент қоплайдиган харажатлар суммалари акс эттирилди   | 4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари» (комитент) | 6990-«Бошқа мажбуриятлар» (учинчи шахс)         |
| Қопланадиган харажатлар суммалари ҳисобга олинди (воситачи ҳисоб-китоб қилишда иштирок этганда, харажатлар комитентга ўтказилиши лозим бўлган суммадан ушлаб қолинса) | 6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)            | 4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари» (комитент) |
| Харажатлар комитент томонидан қопланди (воситачи ҳисоб-китоб қилишда иштирок этмаса ёки харажатлар алоҳида қопланганда)   | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»                        | 4890-«Бошқа дебиторларнинг қарзлари» (комитент) |
| Учинчи шахсга қарз тўланди  | 6990-«Бошқа мажбуриятлар» (учинчи шахс)         | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»                        |

**IV. Солиқ оқибатлари**

**Комитент учун**

**Фойда солиғи.** Комитентнинг товарларни реализация қилишдан олган даромади жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м.). Даромад ҚҚС ва акциз солиғини (тўловчиларда) чегириб қолган ҳолда харидорга товарларни реализация қилиш қийматидан келиб чиқиб аниқланади. Воситачилик ҳақи даромаддан чегириб қолинмайди.

Даромад комитент томонидан товар воситачига топширилган пайтда эмас, балки воситачи товарни учинчи томонга реализация қилган санада тан олинади.

Воситачилик ҳақи, шунингдек воситачига қопланадиган харажатлар комитентда реализация қилиш бўйича харажатлар деб тан олинади. Улар ҳужжатлар билан лозим даражада расмийлаштирилганда солиқ базасини ҳисоб-китоб қилиш чоғида чегирилади (СК 305-м.).

**Кўшилган қиймат солиғи.** Товарга бўлган мулк ҳуқуқини пуллик асосда ўтказиш – ҚҚС солинадиган товарларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланади (СК 238, 239-м.). Воситачи товарга бўлган мулк ҳуқуқини учинчи томонга товарни реализация қилиш пайтида ўтказиши.

Солиқ базаси реализация қилинган товарлар қиймати миқдоридан унга солиқни киритмасдан аниқланади (СК 304-м. 11-б.).

Воситачилик ҳақи бўйича, шунингдек қопланадиган харажатлар бўйича ҚҚС суммаларини ҳисобга олиш учун барча шартларга мувофиқ келганда ҳисобга қабул қилиш мумкин (СК 266-м.).

**Воситачи учун**

**Фойда солиғи.** Воситачининг ҚҚС чегирилган ҳолдаги воситачилик ҳақи суммаси унинг хизматлар кўрсатишдан олган даромади ҳисобланади. Ушбу даромад жами даромад таркибига киритилади (СК 297-м.).



Қуйидагиларга воситачининг даромади сифатида қаралмайди:

- воситачилик шартномаси бўйича мажбуриятлар бажарилиши муносабати билан воситачига келиб тушган мол-мулк (ҳақ бундан мустасно);
- комитент томонидан қопланадиган воситачилик топширини бажариш бўйича харажатлар суммаси. Бундай харажатлар воситачида чегирилмайди (СК 304-м. 11-б.).

**Кўшилган қиймат солиғи.** Пуллик асосда хизматлар кўрсатиш – ҚҚС солинадиган хизматларни реализация қилиш бўйича айланма ҳисобланади (СК 238, 239-м.). Солиқ базаси солиқни ўз ичига оладиган воситачилик ҳақи миқдоридан аниқланади (СК 250-м.). Комитент томонидан қопланадиган харажатлар бўйича ҚҚС суммалари ҳисобга қабул қилинмайди, сабаби ушбу харажатлар воситачининг харажатлари ҳисобланмайди.

А  
М  
А  
К  
П  
Р



**«КИЧИК КОРХОНА  
ЭЛЕКТРОН БУХГАЛТЕРИ»**

Ўзбек тилидаги қўлланмасини тақдим этамиз

Тошкент ш., Миробод тумани, Таълимаржон кўч., 1/1. Тел.: (998 71) 200-00-90.  
E-mail: office@norma.uz, web: www.norma.uz



# ТОВАРЛАРНИНГ ВОСИТАЧИЛИК ШАРТНОМАСИ БЎЙИЧА СОТИЛИШИ ҚАНДАЙ ҲИСОБГА ОЛИНАДИ


Корхоналар тайёр маҳсулот ёки товарларни реализация қилиш чоғида воситачилар билан воситачилик шартномасини тузиб, уларнинг хизматларидан фойдаланишлари мумкин. ҚҚС ва фойда солигини тўловчиларда товарларнинг воситачилар орқали сотилиши қандай расмийлаштирилади ва ҳисобга олинади? Саволга «Норма» компанияси эксперти Олег ЦОЙ жавоб берди.

– Воситачилик шартномаси бўйича комитент воситачига ўз номидан, бироқ комитент ҳисобидан битимларни ҳақ эвазига тузишни топширади (ФК 832-м.). Масалан, воситачи комитентнинг товарларини учинчи шахсларга реализация қилиб, бунинг учун комитентдан ҳақ олади.

Қуйидаги вариантлардан бирини танлаб, комитент ва воситачи ўртасида ҳисоб-китоб қилиш тартибини воситачилик шартномасида белгиланган:

- ҳисоб-китоб қилишда воситачининг иштирокисиз;
- ҳисоб-китоб қилишда воситачининг иштироки билан.

Товарларнинг воситачилик шартномаси бўйича реализация қилинишини шартли мисол ёрдамида кўриб чиқамиз.



## МИСОЛ

Айтайлик, қуйидаги шартлар билан воситачилик шартномаси тузилган:

- комитент таннархи 70 000 минг сўм бўлган товарларни реализация қилиш учун воситачига топширади;
- товарларнинг минимал сотиш нархи 115 000 минг сўм (ҚҚС билан) миқдориди белгиланган;
- воситачининг воситачилик ҳақи ҚҚС билан сотилган товарлар минимал нархининг 10%ини ташкил этади. Товар минимал нархдан юқорироқ нархда реализация қилинган бўлса, воситачи ошган сумманинг 50%и миқдориди қўшимча ҳақ олади;
- воситачи ҳисоб-китоб қилишда иштирок этади. Харидорлардан пул маблағларини ўз ҳисоб-китоб рақамига тушириб, сўна ўз ҳақини чегириб қолган ҳолда уларни комитентга ўтказилади.

Комитент ҳам, воситачи ҳам ҚҚС ва фойда солиғи тўловчиси ҳисобланади.

## I. Товарларни топшириш

Комитент реализация қилинадиган товарларни қабул қилиш-топшириш далолатномаси бўйича воситачига топширади. Бунда товарлар ҳали сотилмагани сабабли ҳисобварақ-фактура расмийлаштирилмайди.

Комитентдан воситачига ўтган ашёлар комитентнинг мулки бўлади (ФК 838-м.). Шу сабабли улар реализация қилинадиган пайтга комитент балансидан ҳисобдан чиқарилмайди, воситачида эса улар балансдан ташқари счётида ҳисобга олинади.

Комитентда бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни                    | Сумма,<br>минг сўмда | Счётлар корреспондентсияси          |                           |
|---|----------------------|-------------------------------------|---------------------------|
|   |                      | дебет                               | кредит                    |
| Воситачилик шартномаси бўйича товарлар топширилди | 70 000               | 2960-«Комиссияга берилган товарлар» | 2910-«Омбордаги товарлар» |

Воситачида бухгалтерия ҳисоби:

| Ҳужалик операциясининг мазмуни                            | Сумма,<br>минг сўмда | Счётлар корреспондентсияси                |        |
|---|----------------------|---|--------|
|   |                      | дебет                                     | кредит |
| Воситачилик шартномаси бўйича товарлар қабул қилиб олинди | 115 000              | 004-«Комиссияга қабул қилинган товарлар»* |        |

\*Комиссияга қабул қилинган товарлар 004-счётда қабул қилиш-топшириш далолатномаларида кўрсатилган нархларда ҳисобга олинади (Йуришқома 439-Б., 21-сон БҲМСга 2-илова, АВ рақами 1181, 23.10.2002 й.).

## II. Товарларни реализация қилиш

### Хужжатлар билан расмийлаштириш

Воситачилик шартномаси бўйича товарларнинг реализация қилинишини хужжатлар билан расмийлаштириш тартиби Ҳисобварақ-фактураларнинг шакллари ҳамда уларни тўлдириш, тақдим этиш ва қабул қилиш тартиби тўғрисида низомнинг 4-Бобида белгиланган (ВМнинг 14.08.2020 йилдаги 489-сон қарорига 2-илова).

1. Комитентнинг товарлари реализация қилинганда воситачи харидорга ўз номидан 2 нусхада ҳисобварақ-фактура тақдим этади. Бунда «Етказиб берувчи» сатрида қўшимча равишда «Воситачи» деб кўрсатилади.

2. Товарлар реализация қилинган ой тугагандан сўнг 5 иш кунидан кечиктирмай воситачи комитентга ҳисобот тақдим этиши, унга қуйидаги маълумотларни киритиши керак:

- ҚҚС суммалари ажратиб кўрсатилган ҳолда реализация қилинган товарлар миқдори ва қиймати;
- воситачилик шартномасига мувофиқ воситачи амалга оширган ва комитент қўлайдиган харажатлар қиймати;
- воситачининг ҚҚСни ўз ичига олувчи ҳақи суммаси;
- комитентдан олинган аванслар суммаси;
- воситачилик шартномасини бажариш билан боғлиқ воситачига тўланиши лозим бўлган сумма;
- шартномада назарда тутилган бошқа маълумотлар.

Ҳисоботга қуйидагиларни илова қилиш лозим:

- шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, далолатномалар ва воситачи комитентнинг товарларини реализация қилганини тасдиқловчи бошқа ҳужжатларнинг нусхалари;
- харажатларни қоплаш бўйича бирламчи хужжатлар (шартномалар, ҳисобварақ-фактуралар, далолатномалар, ҳақ тўлаш учун тўлов топшириқномалари ва ҳ.к. нусхалари).

3. Комитент ушбу ҳисобот асосида 5 иш кун ичида воситачи номига ҳисобварақ-фактура тақдим этади («қайта тақдим этади»), унда қуйидагиларни кўрсатади:

- реализация қилиш санаси;
- воситачи харидорга тақдим этган ҳисобварақ-фактура кўрсаткичлари. Бунда «Етказиб берувчи» сатрида қўшимча равишда «Комитент» деб кўрсатилади.



4. Воситачи ўз навбатида:

- ҚҚСни ўз ичига олувчи ўз ҳақи суммасига алоҳида ҳисобварақ-фактурани комитентга тақдим этади;
- хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисида далолатномани расмийлаштиради.

### Ҳисобда акс эттириш

Айтайлик, воситачи комитентнинг барча товарларини 110 000 минг сўмлик қиймат (ҚҚСиз) бўйича реализация қилди. ҚҚС 16 500 минг сўмни (110 000 x 15%) ташкил этади. Етказиб беришнинг умумий қиймати: 110 000 + 16 500 = 126 500 минг сўм.

Воситачилик ҳақи қуйидаги миқдорни ташкил этади:

115 000 x 10% + (126 500 – 115 000) x 50% = 17 250 минг сўм.

Шу жумладан ҚҚС: 17 250 / 115 x 15 = 2 250 минг сўм.

ҚҚСиз воситачилик ҳақи: 17 250 – 2 250 = 15 000 минг сўм.

Воситачи комитентга 109 250 минг сўмлик (126 500 – 17 250) суммани ўтказиши керак.

### Комитентда бухгалтерия ҳисоби:

| Хўжалик операциясининг мазмуни   | Сумма,<br>минг сўмда | Счётлар корреспондентияси   |   |
|--|----------------------|---|---|
|  |                      | дебет   | кредит  |
| Реализация қилишдан олинган даромад тан олинди (воситачи ҳисоботи олинганда) | 110 000              | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»             | 9020-«Товарлар реализациясидан даромадлар»                  |
| Реализация қилинган товарлар суммасига ҚҚС ҳисобланди                        | 16 500               | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»             | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарздорлик (турлари бўйича)» |
| Реализация қилинган товарлар таннари ҳисобдан чиқарилди                      | 70 000               | 9120-«Реализация қилинган товарларнинг таннари»                     | 2960-«Комиссияга берилган товарлар»                         |
| Воситачига ҳақ ҳисобланди  | 15 000               | 9410-«Реализация қилиш бўйича харажатлар»                           | 6990-«Бошқа мажбуриятлар»                                   |
| Воситачилик ҳақи бўйича ҚҚС акс эттирилди                                    | 2 250                | 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бўнақ тўловлари» | 6990-«Бошқа мажбуриятлар»                                   |
| Воситачидан пул маблағлари келиб тушди                                       | 109 250              | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»  | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»     |
| Воситачига ҳақ суммаси ҳисобга олинди  | 17 250               | 6990-«Бошқа мажбуриятлар»   | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинadиган счётлар»     |

**Воситачида бухгалтерия ҳисоби:**

| Ҳужалик операциясининг мазмуни  | Сумма,<br>минг сўмда | Счётлар корреспонденцияси  |  |
|---|----------------------|--|--|
|   |                      | дебет  | кредит   |
| Реализация қилинган товарлар ҳисобдан чиқарилди   | 115 000              |  | 004-«Комиссияга қабул қилинган товарлар»                             |
| Реализация қилинган товарлар учун харидорнинг қарзи ва воситачининг комитент олдидаги қарзи акс эттирилди | 126 500              | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» (харидор)  | 6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)                                 |
| Воситачилик ҳақи кўринишидаги даромад акс эттирилди   | 15 000               | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» (комитент) | 9030-«Ишларни бажариш ва хизматларни кўрсатишдан олинган даромадлар» |
| Воситачилик ҳақи суммасига ҚҚС ҳисобланди   | 2 250                | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» (комитент) | 6410-«Бюджетга тўловлар буйича қарздорлик (турлари буйича)»          |
| Харидордан пул маблағлари келиб тушди   | 126 500              | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»   | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» (харидор)    |
| Воситачилик ҳақи ҳисобга олинди   | 17 250               | 6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)                               | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» (комитент)   |
| Комитентга қарз тўланди (воситачилик ҳақини чегириб қолган ҳолда)   | 109 250              | 6990-«Бошқа мажбуриятлар» (комитент)                               | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»   |

**III. Харажатларни қоплаш**

Воситачилик шартномасида комитент воситачилик топширигини бажариш юзасидан воситачи сарфлаган суммаларни унга тўлаши назарда тутилиши мумкин (ФК 842-м.). Масалан, учинчи шахсга тўланган юрларни ташиш харажатлари.



Агар қонун ҳужжатларида ёки воситачилик шартномасида бундай қоплаш назарда тутилмаган бўлмаса, воситачи ўз ихтиёрида бўлган комитентнинг мол-мулкни сақлаш юзасидан қилган харажатлари қопланишига ҳақли эмас (ФК 842-м. 2-қ.).


Комитент томонидан қопланиши лозим бўлган маблағлар:  
 ● воситачи ҳисоботида ва унинг ҳақи суммасига воситачи ҳисобварақ-фактурасига илова қилинадиган хизматлар кўрсатилганлиги тўғрисидаги далолатномада кўрсатилади;

● воситачи томонидан унинг ҳақи суммасига тақдим этилган ҳисобварақ-фактурада кўрсатилмайди.

**Комитентда бухгалтерия ҳисоби:**

| Ҳужалик операциясининг мазмуни   | Счётлар корреспонденцияси   |   |
|--|---|---|
|  | дебет   | кредит  |
| Қопланадиган харажатлар суммалари акс эттирилди (воситачи ҳисоботи олинганда)  | 9410-«Реализация қилиш буйича харажатлар»                           | 6990-«Бошқа мажбуриятлар»                               |
| Қопланадиган суммалар буйича ҚҚС акс эттирилди   | 4410-«Бюджетга солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар бунак тўловлари» | 6990-«Бошқа мажбуриятлар»                               |
| Қопланадиган харажатлар суммалари ҳисобга олинди (воситачи ҳисоб-китоб қилишда иштирок этганда, харажатлар воситачи комитентга ўтказиши лозим бўлган суммадан ушлаб қолинса) | 6990-«Бошқа мажбуриятлар»   | 4010-«Харидорлар ва буюртмачилардан олинадиган счётлар» |
| Воситачига харажатлар тўланди (воситачи ҳисоб-китоб қилишда иштирок этмаса ёки харажатлар алоҳида қопланганда)   | 6990-«Бошқа мажбуриятлар»   | 5110-«Ҳисоб-китоб счёти»                                |

РЕКЛАМА



Ўзбекистон  
Республикаси  
қонунчилиги

www.norma.uz

# ШАХСИЙ АВТОМОБИЛДАН ХИЗМАТ МАҚСАДЛАРИДА ҲОДИМЛАРНИНГ ХАРАЖАТЛАРИ ҚАНДАЙ ҚОПЛАНАДИ

Корхона ходимлари кўпинча ўз автомобилларидан хизмат мақсадлари учун фойдаланадилар. «Nogma» компанияси эксперти Дилором САИДОВА бундай ҳолларда компенсацияни қандай қилиб тўғри тўлаш кераклигини тушунтириб берди.

Корхона ходимнинг шахсий автомобилдан хизмат мақсадлари учун фойдаланса, унинг харажатларини қуйидаги кўринишда қоплаши мумкин:

- шахсий автомобилдан хизмат мақсадларида фойдаланганлик учун компенсация;
- автомобилни ижарага бериш шартномаси асосида ижара тўлови.

## Компенсация тўлаш

Компенсация миқдорлари Ходимларнинг шахсий автомобилларидан хизмат мақсадлари учун (хизмат сафарларидан ташқари) фойдаланганлик учун компенсация тўлаш тартиби билан белгиланган (ВМнинг 2.04.1999 йилдаги 154-сон қарорига 3-илова).

Компенсация ишлаб чиқариш фао-

лият мунтазам транспортда юриш зарурияти билан боғлиқ бўлган корхоналарнинг ходимларига тўланади.

У хизмат енгил автомобилларини сақлаш учун назарда тутилган маблағлар ҳисобидан тўланади. Бюджет ташкилотларида у ушбу сумманинг 30%идан ошмаслиги керак.

Компенсация миқдори автомобиль моторининг от кучи сонига қараб белгиланади:

| От кучи сони                  | Бир ой учун компенсациянинг чекланган миқдори, БҲМ баравари |
|-------------------------------|---|
| 100 от кучидан юқори          | 4,5   |
| 70 от кучидан 100 от кучигача | 3,5   |
| 70 от кучигача                | 2   |

Мотор қуввати ишлаб чиқарувчи завод ҳужжатларида, техник паспортда кўрсатиладиган автомобилнинг техник маълумотлари асосида аниқланади.

Нормалар доирасидаги суммалар корхонанинг чегириладиган харажати ҳисобланади ва ходимнинг даромади сифатида қаралмайди (СК 305-м., 369-м. 2-қ. 9-б.).

Бирок корхона молиявий имкониятларидан келиб чиқиб белгиланган нормалардан ортқ миқдорда компенсация белгилаши мумкин. Бу ҳолда корхонанинг ўзи учун ҳам,

компенсация олувчи учун ҳам солиқ оқибатлари юзага келади. Нормалардан ортқ тўлов суммаси:

- солиқ солинадиган фойдани аниқлаш чоғида чегирилмайдиган харажат;
- ходимнинг ЖШДС ва ижтимоий солиқ солинадиган даромади ҳисобланади (СК 317-м. 4-б., 373-м. 11-б., 403, 404-м.).

Компенсация корхона раҳбари томонидан тасдиқланган буйруқ ва шахсий автомобилнинг техник паспорти нусхаси асосида тўланади.

Бухгалтерия проводкалари қуйидагича бўлади:

| Тр | Ҳўжалик операциясининг мазмуни                           | Сўётлар корреспонденцияси                           |  | Ўзувлари тасдиқловчи ҳужжатлар       |
|----|--|---|--|--------------------------------------|
|    |  | Дебет   | Кредит   |                                      |
| 1  | Нормалар доирасида компенсация ҳисобланади акс этгирлади | 9430-«Бошқа операция харажатлар»                    | 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашиш»                | Бухгалтерия ҳисоб-китоби             |
| 2  | Компенсация тўланди                                      | 6710-«Меҳнат ҳақи бўйича ходимлар билан ҳисоблашиш» | 5010-«Миллий валютадаги пул маблағлари»<br>5110-«Ҳисоб-китоб сўёт» | Чиким касса ордери, тўлов қайдномаси |

Компенсация ходимнинг шахсий автотранспортдан фойдаланиш билан боғлиқ харажатларини, шу жумладан ЁММ учун харажатларини ҳам қоплайди. Компенсация тўлашдан ташқари худди шу автомобиль учун

ЁММ сотиб олсангиз, унинг қиймати ходимнинг ЖШДС солинадиган моддий наф тарзидаги даромади ҳисобланади. Бунда ижтимоий солиқ ҳисобланмайди (СК 376-м. 1-қ. 1-б., 403-м.).

**ВАЗИЯТ. Корхона ходимга шахсий транспортдан фойдаланганлик учун компенсация тўлади ва қўшимча равишда ЁММ сотиб олади.** Реклама агентлиги (кичик корхона) ходими хизмат мақсадлари учун шахсий «Chevrolet Spark» автомобилдан фойдаланади. Раҳбарият 2020 йил сентябрдан бошлаб шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун 1 000 минг сўм миқдорда компенсация тўлашга қарор қилди, шунингдек ЁММ сотиб олиш учун алоҳида корпоратив карта ажратди, унга ҳар ойда 500 минг сўм ўтказди. Техник тавсифларига кўра «Chevrolet Spark» автомобили 85 от кучига эга. БҲМнинг 3,5 баравари миқдордаги компенсация жисмоний шахснинг даромади ҳисобланмайди. БҲМ – 223 000 сўм.

| Тўлов тури  | Тўланадиган сумма, минг сўм | Солиқ солинадиган сумма, минг сўм | Солиқ солинадиган даромад, минг сўм | Солиқ суммаси, минг сўм  |
|---|-----------------------------|-----------------------------------|-------------------------------------|--|
| Шахсий автотранспортдан фойдаланганлик учун компенсация | 1 000 000                   | 780 500 (3,5 x 223 000)           | 219 500 (1 000 000 – 780 500)       | ЖШДС 219 500 x 12% = 26 340.<br>Ижтимоий солиқ 219 500 x 1% = 2 195 (18.05.2020 йилдаги ПФ-5996-сон, 4-б.; 20.07.2020 йилдаги ПФ-6029-сон, 7-б. «б» кичик банди) |
| ЁММ сотиб олиш учун маблағлар                           | 500 000                     |                                   | – 500 000 сўм                       | ЖШДС 500 000 x 12% = 60 000 сўм.<br>Ижтимоий солиқ солиш объектига кирмайди  |

## Ижара шартномасини тузиш

Жисмоний шахс билан тузилган автотранспорт воситаларини ижарага олиш шартномаси нотариал тартибда тасдиқланиши лозим (Низом 3-б., ВМнинг 7.03.2006 йилдаги 38-сон қарори билан тасдиқланган).

Ходим ЖШДС солинадиган автотранспортни ижарага беришдан мулк қийматини олади. Солиқни корхона ушлаб қолади (СК 375, 388-м.). Ижарадан олинган даромадга ижтимоий солиқ ҳисобланмайди.

Автотранспорт воситаларини ижарага беришдан олинган даромадларга шартнома бўйича ижара тўлови суммасидан келиб чиққан ҳолда солиқ солинади. Бунда улар мол-мулкни ижарага берадиган жисмоний шахслар учун белгиланган энг кам ставкалардан паст бўлмаслиги керак. Енгил автомобилни ижарага беришда ижара тўловининг энг кам ставкаси ойига 500 минг сўм миқдорда белгиланган (9.12.2019 йилдаги ЎРК-589-сон Қонунга 12-илова 2-б.).

**!** 2020 йил 1 июлдан 31 декабрга қадар мол-мулкни (бинолар ва автомобиль транспорт) ижарага берувчи жисмоний шахсларга солиқ солиш мақсадида ижара тўловларининг энг кам ставкаларини қўлаш тартиби тўхтатиб турилади (ПФ-6029-сон 1-б. «а» кичик банди).

## ТАВСИЯ:

Ижара шартномасида ҳар бир тарафга автомобилдан фойдаланиш (ЁММ, таъмирлаш, техник хизмат кўрсатиш) бўйича қайси харажатлар юклатилишини белгиланг. Бу корхона харажатларини асослаш, шунингдек жисмоний шахс ва корхона ўртасидаги автомобилдан фойдаланиш билан боғлиқ низоли масалаларни имкон қадар камайтириш учун зарур. Жисмоний шахснинг харажатлари ижара тўлови ҳисобидан сўндирилади. Шартномада белгиланган корхона харажатлари – корхона учун ижара тўловидан ташқари қўшимча харажатлар.

## ВАЗИЯТ. Корхона ходимнинг автомобилни ижарага олган

Корхона ходим билан транспортни ижарага олиш шартномасини тузган. Бериш пайтида автомобиль 15 000 минг сўмга баҳоланган. Ойлик ижара тўлови – 1 000 минг сўм. Шартнома шартларига кўра ЁММ учун харажатлар корхона зиммасига юклатилади. Улар ҳар ойда 600 минг сўмни ташкил этади. Ушбу вазиятда ходимда мол-мулкни ижарага беришдан даромад юзага келади, унга 12%лик ставкада ЖШДС солинади. Солиқ суммаси 120 000 сўм (1 000 000 x 12%) тўлов манбаида ушлаб қолиниши лозим, солиқни чегириганда ходим 880 000 сўм (1 000 000 – 120 000) даромад олади.

Бухгалтерия проводкалари қуйидагича бўлади:

| Ҳўжалик операциясининг мазмуни                               | Сумма, минг сўмда | 21-сон БҲМС бўйича сўётлар корреспонденцияси          |   | Ўзувлари тасдиқловчи ҳужжатлар         |
|--|-------------------|---|---|--|
|  |                   | Дебет   | Кредит  |  |
| Ижарага олинган мол-мулк ҳисобга олинади                     | 15 000            | 001-«Оператив ижарага олинган асосий воситалар»       |   | Ижара шартномаси                       |
| Ижара шартномаси бўйича ижара тўлови ҳисобланади             | 1 000             | Харажатларни ҳисобга олувчи сўётлар                   | 6910-«Тўланадиган оператив ижара»                     | Ижара шартномаси                       |
| Жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солиғи ушлаб қолинди | 120               | 6910-«Тўланадиган оператив ижара»                     | 6410-«Бюджетга тўловлар бўйича қарз»                  | Бухгалтерия ҳисоб-китоби               |
| Ижара тўлови тўланди   | 880               | 6910-«Тўланадиган оператив ижара»                     | 5110-«Ҳисоб-китоб сўёт»                               | Банк кўчирмаси                         |
| Маблағлар КПКга ўтказилди                                    | 600               | 5530-«Бошқа махсус сўётлар»                           | 5110-«Ҳисоб-китоб сўёт»                               | Банк кўчирмаси                         |
| ЁММ учун ҳақ тўланди   | 600               | 4230-«Умумҳўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар» | 5530-«Бошқа махсус сўётлар»                           | Банк кўчирмаси                         |
| КПК орқали тўланган харажатлар ҳисобдан чиқарилди            | 600               | Харажатларни ҳисобга олувчи сўётлар                   | 4230-«Умумҳўжалик харажатлари учун берилган бўнақлар» | Ходимнинг (ҳисобдор шахснинг) ҳисоботи |

## ТИЛ – ДАВЛАТ РАМЗИ, МИЛЛАТ РУҲИ

**1-бетда** беради. Бугунги кунда ўзбек тили дунёнинг кўплаб мамлакатларида танилган ва ўрганилмоқда. Кўпгина хорижий университетларда махсус бўлимлар очилган бўлиб, уларда чет эллик талабалар нафақат ўзбек тилининг, балки мамлакатимизнинг ҳам жозибаси ва гўзаллигини, унинг тарихи ва замонавийлигини ўрганадилар.

Москва давлат лингвистик университетиде талабалар ўзбек тилини иккинчи чет тили сифатида ўрганадилар. Шунингдек, Россияда Uzbekonline.ru ўзбек тилидаги Интернет мактаби бўлиб, 24 та дарс 12 hafta мобайнида ўтилади.

1870 йилда ташкил топган Огайо давлат университети (АҚШ) бугунги кунда ижтимоий ва гуманитар фанлар соҳасида дунёнинг етакчи олий таълим муассасаларидан ҳисобланади. Ўзбекистоннинг АҚШдаги элчихонаси маълумотларига кўра, ҳозирги кунда мазкур университетда АҚШда ўзбек тилини ўқитиш бўйича энг йирик дастур амалга оширилмоқда. Global Maу дастури доирасида университет талабалари маълум бир мамлакатнинг маданияти ва тилини ўрганиши учун ушбу мамлакатга уларнинг 4 ҳафталик саёхати уюштирилади. Хусусан, мамлакатимиз тилини ўрганаётган бир гуруҳ талабаларнинг ушбу дастур доирасида Ўзбекистонга ташрифи 2021 йилга режалаштирилган.

Ўзбекистон Республикаси Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университети ҳамда Жанубий Кореянинг Ханкук университети ўртасида шартнома асосида талабалар алмашинуви ташкил этилган. 2019–2020 ўқув йилининг биринчи семестрида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида Ханкук университетининг 8 нафар талабасидан иборат гуруҳ ўқитилган бўлиб, бу талабалар ўзбек тилини ҳам ўрганган. Дарслар давомида корейс талабалари билим олишга, айниқса, ўзбек тилини ўрганишга катта қизиқиш билдиришларини таъкидлаганлар. Бир семестр давомида ўзбек тилини ўрганиш натижасида талабалар Ўзбекистоннинг маросимлари ва урф-одатлари тўғрисида мақолалар нашр этганлар, шунингдек радио ва телевидение орқали ўзбек тилида интервью берганлар.

Афғонистонда истиқомат қиладиган ўзбек миллатига мансуб кўп сонли аҳоли ўз она тилини сақлаб қолиш истагида. Ўзбекистон Республикасининг Мозори Шариф шаҳридаги консулхонаси томонидан Афғонистонда ўзбек тилининг халқаро нуфузини ошириш ва уни тарғиб қилиш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Бугун дунёвий тараққиёт бизнинг ёшларни ҳам бир неча тилларни мукамал билишга, бошқа тилларда ёзилган, бошқа алифболарда ифодаланган манбалардан унумли фойдаланишга даъват этмоқда. Бу яхши, албатта. Аммо миллий тил чет тилини ўрганишда асосий замин ҳисобланади. Шу боис она тилимизни қанча теран билсак, чет тилини шунча пухта ўзлаштирамиз. Шундай экан, ёш авлодда давлат тилига, ўзбек халқининг бой адабий меросига бўлган чуқур қизиқиш ва хурматни шакллантириш бутун жамиятнинг муҳим вазифасидир.

**Н.ҚУДРИДИНОВА,**

ДБК Божхона институти Ўзбек ва хорижий тиллар кафедраси катта ўқитувчиси, божхона хизмати майори.



## ТАДБИРКОРГА МАДАД БЎЛИБ...

Сирдарё вилояти божхона бошқармаси ходимлари бевосита жойларга чиқиб, ана шундай тадбиркорлик субъектлари билан учрашувлар ташкил қилмоқда, барча карантин қоидаларига риоя қилган ҳолда уларнинг муаммоларини ўрганишмоқда. Бошқарма ҳамда «Ховос» ТИФ божхона пости ходимлари ҳамкорлигида Янгйер шаҳридаги «Euroasian Industrial Union» Россия-Ўзбекистон қўшма корхонасига уюштирилган учрашувда ҳам тадбиркорни қизиқтираётган масалалар қорхонанинг ўзиде ўрганилди.

МЧЖ шаклидаги ушбу қорхона 2018 йилда 20 нафар ишчи билан фаолият бошлаган, ҳозирда бу ерда 40 нафар маҳаллий аҳоли иш билан таъминланган, жамият томонидан 2019 йил ва 2020 йилнинг ўтган саккиз ойи давомида умумий қиймати

830,9 минг АҚШ долларига тенг асбоб-ускуналар Хитой давлатидан келтирилган. Мазкур ускуналарни божхона расмийлаштирувидан ўтказиш давомида 1,3 млрд сўмлик божхона имтиёзлари қўлланилган. Айни пайтда жамиятда 56 хил шифт плитуслари ишлаб чиқарилмоқда. 2020 йилнинг ўтган даврида Қирғизистон ва Тожикистон давлатларига 250 минг АҚШ долларига тенг тайёр маҳсулотлар экспорт қилинган, шунингдек 2019 йил бошида ишчи-хизматчилар учун етарли шарт-шароитлар яратиш мақсадида 2 қаватли маъмурий бино фойдаланишга топширилган.

*Сирдарё вилояти божхона бошқармаси  
Ахборот хизмати.*

### ЎНГИН ХАВФСИЗЛИГИ

## КУЗ КЕЛДИ – КЎЗИНГНИ ОЧ

Кузнинг салқин қушлари ҳам бошланиб қолди. Об-ҳаво ҳароратининг пасайиб бориши, табиийки, газ ва бошқа турдаги мукобил ёқилги иситиш мосламаларидан фойдаланишга бўлган эҳтиёжни орттиради. Бундай пайтларда иситиш мосламаларидан нотўғри фойдаланиш кўпинча кўнгилсиз оқибатларга олиб келиши мумкин.

Бундай кўнгилсиз ҳолатларнинг олдини олиш мақсадида газ ускуналари ва иситиш мосламаларидан фойдаланишда бир қатор ёнгин ва хавфсизлик талабларига риоя қилиш керак бўлади. Хусусан:

- қўлбола ва носоз газ иситиш мосламаларидан фойдаланмаслик;
- турар жойларда ўрнатилган иситиш тизимини назоратсиз қолдирмаслик;
- иситиш ускуналарининг носозлиги, тирқишлардан газ сизиб чиқмаслигини кузатиб бориш;
- иситиш мосламалари яқинида ёнғичан буюмларни сақлаб қўлиш;
- газ ускуналарини улаш тартиб-қоидаларига риоя қилиш ва уларга резина планкалар орқали улаштириш йўли қўймаслик керак.

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги ходимлари олиб бораётган ўрганишлар давомида кишлоқ аҳолисига куз-киш мавсумига тайёргарлик кўришда, шунингдек, уйларнинг мўриқонларини тозалаш, иситиш печаларининг яроқлилигини текшириш

ишларида амалий ёрдам кўрсатишмоқда. Вазирлик ҳамда газ таъминоти ва электр тармоқлари қорхоналари ҳамда бошқа мутасадди ташкилотлар билан ҳамкорликда куз-киш мавсумида фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва ёнгин хавфсизлигини таъминлаш мақсадида профилактик ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан бу тадбирларда электр трансформаторларига техник хизмат кўрсатилди, жойлардаги газ тақсимлаш қутилари газ қувурлари таъмирланиб, мавсумга шай ҳолатга келтирилган.

Қолаверса қорхона-ташкilotларда рўй берадиган ёнгинлар халқ ҳўжалигига жуда кўп микдорда моддий зарар келтириши

Фавқулодда вазиятлар вазирлиги статистикасига кўра, ёнгин хавфсизлиги хизмати ходимлари томонидан 2019 йилнинг ўтган 8 ойи давомида ўтказилган профилактик ишлар натижасида 14 684 та бино ва иншоотларда ёнгин келиб чиқиш хавфи олди олинган. Содир бўлган ёнгинларни ўчирини вақтида кўрилган тезкор ҳаракатлар натижасида 27 нафар инсон қутқарилган.

*Муҳаммад НОРБОВЕВ,  
Ўз МТРК ЁХТТЭБ мутахассиси, оддий аскар.*



билан бирга инсонларнинг оммавий заҳарланиши, тан жароҳати олиши ёки ҳалок бўлишига олиб келмоқда. Шу сабабли саноат қорхоналаридаги технологик жараёнда ёнгин хавфсизлиги қоидаларига қатъий риоя қилиш, ходимларда фавқулодда вазиятларнинг олдини олиш ва бундай вазиятларда тўғри ҳаракатланиш кўникмасини шакллантириш борасида Фавқулодда вазиятлар вазирлиги бўлиналари жойларда тушунтириш-профилактика ишларини олиб бормоқда.

|   |  |  |   |   |
|---|--|--|---|---|
| <p><b>СОЛИК &amp; ХАБАРЛАРИ</b><br/><b>БОЖХОНА</b></p> <p>Мотивий-иқтисодий,<br/>ахборот-ҳуқуқий газета</p> <p><b>ТАЪСИСЧИ</b><br/>«Норма» МЧЖ</p> <p>Газета 2018 йил 12 июнда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида рўйхатга олинган.<br/>Рўйхатдан ўтиш тартиб рақами 0040.<br/>Ҳафтада бир марта сешанба кунлари чиқади.</p> | <p>Бош муҳаррир<br/><b>Фарҳод Собирович</b><br/><b>ҚУРБОНБОВ</b></p> | <p>Нашр учун масъул –<br/>бош муҳаррир ўринбосари,<br/>масъул котиб<br/><b>Нодир Носирович</b><br/><b>АЛИМОВ</b></p> <p>Саҳифаловчи<br/><b>Наталья</b><br/><b>БАРАНОВА</b></p> | <p><b>МАНЗИЛИМИЗ:</b><br/>100105, Тошкент ш., Миробод тумани,<br/>Таллимаржон кўч., 1/1<br/><b>ТЕЛЕФОН/ФАКС</b><br/>Тахририят: (71) 200-00-90;<br/>E-mail: sbx@norma.uz,<br/>gazeta@norma.uz, web: norma.uz</p> | <p>Обуна, газеталар, китоблар, газеталарнинг электрон версияларини етказиб бериш ва харид қилиш масалалари бўйича (71) 200-00-90;<br/>«Норма» АҚТ бўйича – (71) 200-00-90;<br/>рекламани жойлаштириш бўйича (71) 231-07-91 телефон рақамларига мурожаат қилиш мумкин.</p> <p>Газета ношир – «ТОПРИНТ» МЧЖнинг компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Нашр кўрсатишлари: «СБХ» – 186, «НТВ» – 165. Қўғоз бичими – А3. Ҳажми – 4 босма табоқ. Баҳоши келишилган нарҳда. Буюртма г-915. Адади 815. Газета 2020 йил 28 сентябрь соат 15.00 да топширилди.</p> |
|---|--|--|---|---|